

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

**“Банк-молия хизматлари” факултети**

**“Молия ва сұғурта хизматлари” кафедраси**

**“Химояга тавсия этилди”**

Кафедра мудири, проф.

Ж.Р.Зайналов

Баённома №\_\_\_\_ 2019 йил \_\_\_\_

май

**5230600 – “Молия” таълим йўналиши**

**МК-515 гурӯҳ талабаси**

**Давронов Талъатнинг**

**Хўжалик субъектларнинг инновацион фаолиятини молиявий  
рағбатлантиришни такомиллаштириш (“Davronov Ashraf”  
МЧЖ маълумотлари бўйича) мавзусидаги**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар: и.ф.н. доц. в.б.  
Хусанов Б.**

**САМАРҚАНД – 2019**

	Кириш	3
I БОБ	Инновацион фаолиятнинг назарий жиҳатлари	9
1.1	Инновациянинг моҳияти ва аҳамияти	9
1.2	Инновацион жараёнлар концепциясининг тикланиши ва боскичлари	16
1.3	Инновацион фаолиятни амалга ошириш хусусиятлари	24
II БОБ	Хўжалик субъектларининг инновацион фаолиятини амалдаги холати ва модернизациялаш йўллари	31
2.1	Инновацион фаолиятни ривожлантириш ва хўжалик субъектлари моддий техника базасини модернизациялашнинг мақсади, вазифалари ва ҳолати	31
2.2	Хўжалик субъектлари инновацион ҳолатига таъсир этувчи омиллар	41
2.3	Инновацион фаолиятни режалаштиришни амалдаги холати	48
III БОБ	Хўжалик субъектларининг инновацион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашнинг устивор йўналишларининг	54
3.1	Хўжалик субъектлари инновацион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлашни таркибий қисмлари	54
3.2	Хўжалик субъектлари инновацион фаолиятини молиявий рағбатлантиришда чет эл тажрибаси	60
3.3	Инновацион фаолиятини молиялаштириш механизмининг самарадорлигига таъсир этувчи чекловларни бартараф этиш ва ривожлантириш	65
3.4	Хўжалик субъектларини инновацион фаолиятини рағбатлантиришни такомиллаштириш йўллари	69
	Хулоса	73
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	78

## **КИРИШ**

“Халқимиз дунёқарашида инновация мұхитини яратиш энг мұхим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб қилмасак, одамларда қўникма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз”<sup>1</sup>.

**Ш.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўтган аср охири ва XXI аср бошларидан эътиборан, бутун дунё технологияларида, айниқса био ва нано технологияларида, яъни, юқори даражали тенологияк ҳамда илмийлик даражаси юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, янада унумли, мураккаб техника ва илғор ахборот тизимларни яратишида қилинган кашфиётлар таъсирида жадал суръатлар билан ўзгариб бормоқда.

Ҳозирги ўзгартириш жараёнларнинг мақсади, аввалда бўлганидек, фактат илмий янгиликлар, кашфиётлар қилиш ҳамда янги техника яратишдангина иборат эмас, балки янгиликларни купайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш ҳисобига иқтисодиётнинг ривожланишини жадаллаштиришдан ҳам иборат бўлиб, кўп миқдорда қўшимча маблағ сарфлашни талаб қилмоқда.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда табиий ресурслар, аввало энергия манбалари қимматлашиб бормоқда. Уларни асосан ресурсларни тежайдиган инновацияларни жорий этиш ҳисобига арzonлаштириш мумкин. Бу сарф-харажатларни қоплашнинг бирдан-бир йўли ишлаб чиқаришга жорий этилаётган кашфиётлар ва илмий тадқиқотларнинг салмоғини ошириш ҳамда улардан юқори самара олишдан иборат бўлиши мумкин. Агар энг қулай муддатларда бундай самара қўлга киритилмаса, жамият жорий этилмаган илмий тадқиқотлардан жуда катта зарар кўради, иқтисодиётни инновацион

---

<sup>1</sup> Ш.Мирзиёев Халқимиз дунёқарашида инновация мұхитини яратиш – энг мұхим вазифамиз. Пойтахтимизнинг Талабалар шаҳарчасида Инновацияларни татбиқ этиш илмий-амалий маркази барпо этишдаги маърузалари. 02.12.2017

ривожлантириш тизими молиявий ресурлар етишмаслиги туфайли барбод бўлиш хавфи остида қолади.

Хозирги инновацион ўзгаришлар амалда бир-бирига боғлик бўлиб, мунтазамлик хусусиятига эга. Янги рақобатбардош, йиллик самарадорлик даражаси юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун замонавий технологиялар ва шунга мувофиқ, янада мураккаброқ техника керак бўлади. Барча турдаги инновацияларни ягона тизимга бирлаштириш янада мукаммал ахборот коммуникациялар ҳамда юксак билимли, касбий тайёргарликка эга бўлган ишчи кучи керак.

Саноати ривожланган мамлакатлар товарлар, хизматлар ва ишчи кучи бозорнинг интеграциялашувидан: стандартлар ва истемолчининг дидларини бирхиллаштиришдан ва айниқса, маҳсулотнинг илмийлик даражаси юқори бўлган ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан манфаатдор. Жаҳон ҳамжамиятида давлатлараро компания ва молия-саноат гурухлари инновацион тизим марказида туради. Улар хом ашё ва энергия ресурлари бозорини, маҳсулот сотиш бозорларини қайта тақсимлаш ва қўлга киритиш учун ҳамда суст ривожланган мамлакатлардан малакали ва арzon ишчи кучини жалб этиш учун қаттиқ курашмоқдалар.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш тизимининг маркази эндиликда ҳалқ хўжалиги мажмуининг бошланғич даражасидан корхоналар, фирмалар, компаниялар, корпорациялар, акциядорлик жамиятлари даражасига кўчди. Худди мана шу даражада кашфиётлар, ихтиrolар ва илмий тадқиқотлар янги технологиялар, маҳсулотларга, техникага, ахборот коммуникацияларга айланади.

Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги шундаки, бугунги кунда инновацион фаолият жаҳон ҳам жамиятда қундан қунга ривожланиб бормоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қисқа муддатда инновацияга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантиришга ва инновацияларни кенг жорий этиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган кенг қўламли ишлар

амалга оширилмоқда. Республикани инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган ташкил этилганлиги, унинг хузурида Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси шакллантирилганлиги бу борада олиб борилаётган ишларнинг яққол намунасиdir. Шу билан бирга, илмий тадқиқотлар билан ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини йўлга қўйишга, алоқаларни мустаҳкамлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқдаки, уларни бартараф этиш мамлакатимиз иқтисодиётининг тараққиётига хизмат қилиши шубҳасиз. Ана шундай муаммолар жумласига, олий таълим муассасалари илмий ишлари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари тадқиқотларининг натижаларини тижоратлаштириш кўрсаткичларининг пастлиги ҳамда қониқарсизлиги, инновацион жараёнларни рағбатлантириш, худудлар ва тармоқлар даражасида инновацион ривожланиш ва инновацион фаоллик комплекс дастурларини амалга ошириш, инновацион фаол тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш механизmlари мавжуд эмаслиги, хусусий сектор вакилларининг инновацион фаолиятга, жумладан, уларнинг манфаатдорлиги пастлиги сабабли етарли даражада жалб қилинмаслиги, давлат илмий-техник дастурлари доирасида грантларни тақсимлаш ва улардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таъсирчан чора-тадбирларнинг мавжуд эмаслиги, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик ва инвестициялар жалб этиш даражасининг қониқарсизлиги каби омилларни киритишимиз мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг рақобатли муҳитда самарали фаолият юритиши, ўз маҳсулотлари ва хизматларига харидор топиши, фойда кўриш учун бозордаги бошқа рақобатларга нисбатан устунликка эга бўлиши лозим. Бунинг учун корхонада инновацион фаолиятни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Инновацион фаолиятни ривожлантириш учун молиявий манбаларни топиш, улардан

самарали фойдаланиш ушбу сохада илмий изланишлар олиб боришни тақоза этади ва мазкур иш мувзусининг долзарблигини белгилайди.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Миллий инновация тизимининг биринчи назарий пойдевори ўтган асрнинг 80-йилларида яратилган. Лундвалл, Фримен ва Нелсон унинг асосий мақсадларини таърифлаб беришган. Бу олимларнинг фикрича, замонавий иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омили бизнесни ривожлантиришдаги асосий омиллардан бири инновациялар ва илмий тадқиқотлар эканлиги қайд этилган<sup>2</sup>. Е.Кондратьеванинг фикрича эса, улар мустаҳкам миллий илдизларга, анъаналарга, сиёсий ва маданий хусусиятларга эга институтлар мажмуаси билан таъминланади<sup>3</sup>. Г.Гольдштейн эса, самарали миллий инновация тизимини яратишнинг муҳим шарти давлат ундан асосий манфаатдор бўлишига, инновацион фаолиятнинг устувор йўналишларини ҳар иили белгилаши ва зарур ресурслар билан таъминлашига боғлиқлигига деб таъкидлайди<sup>4</sup>.

Ҳозирги кунда замонавий фан нуқтаи-назаридан инновацияларга турли хил ёндашувлар мавжуд. Жумладан, В.Раттен, Ф.Кристина, И.Фернандеслар глобал бизнес рақобатининг юзага келишида бозордаги рақобат устунлигини таъминлашда инновацияларнинг ўрни жуда ҳам юқори эканлигини қайд этиб ўтишган<sup>5</sup>.

С.Филипов ва Г.Моиларнинг фикрига кўра, инновацияларнинг вужудга келишида тадқиқотлар унинг таркибий элементи бўлиб, инновациялар иқтисодиёти ривожланган давлатларда юқори технологиялар тармоғида эмас, балки ривожланаётган иқтисодиётларнинг кичик технологияли тармоқларида

<sup>2</sup> Lundvall, B. -A. 1985. Product innovation and user-Producer Interaction. Aalborg University Press. Freeman, C. 1987.; Policy and Economic Performance – Lessons from Japan. London Pinter Publishers.; Nelson, R. 1987. Understanding technological change as an Evolutionary process. Elsevier Science ltd.

<sup>3</sup> Кондратьева Е.В. Национальная инновационная система: теоретическая концепция, 2015. Электронная статья в ИЭОПП СО РАН.

<sup>4</sup> Гольдштейн Г.Я. Стратегический инновационный менеджмент. Учебное пособие. -Таганрог: Издательство ТРТУ, 2004. - 267 с.

<sup>5</sup> Vanessa RattenJoro J. Ferreira Cristina I. Fernandes Innovation management – current trends and future directions// InternationalJournal Innovation and learning, Vol. 22, no. 2, 2017. pp. 135-155

ҳам юзага келиши<sup>6</sup>. А.Мантовани бошчилигига олимларнинг фикрига қўра, инновацияларни вужудга келиши ва уларни бошқариш бўйича илмий хуносалар олимларни гурухларга ажратган ҳолда шакллантирилган<sup>7</sup>.

**Тадқиқот ишнинг мақсади** иқтисодий тараққиётга эришишда Ўзбекистонга хос бўлган, бозор муносабатларини эркинлаштириш хусусиятларига тўла мос келувчи хўжалик субъектларнинг инновацион фаолиятини молиявий рағбатлантиришни такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқаришдан иборат.

Иш мақсадидан келиб чиқсан ҳолда **битирув малакавий ишнинг вазифалари** қўйидагилардан иборат:

- инновациянинг назарий жиҳатдан моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш;
- инновацион жараёнлар концепциясининг тикланишини назарий асосларини ва босқичлари тадқиқ этиш;
- инновацион фаолиятни амалга оширишнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётни ўзаги эканлигини асослаш;
- инновацион фаолиятни ривожлантириш ва хўжалик субъектлари моддий техника базасини модернизациялашнинг мақсади, вазифалари ва ҳолатини ўрганиш;
- хўжалик субъектларини инновацион ҳолатига таъсир этувчи омиллар ҳолатини таҳлил қилиш;
- инновацион фаолиятни режалаштиришни амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;
- хўжалик субъектлари инновацион фаолиятни молиявий қўллаб-куватлашни таркибий қисмларини тадқиқ этиш;
- хўжалик субъектлари инновацион фаолиятини молиявий рағбатлантиришда чет эл тажрибасини ўрганиш;

---

<sup>6</sup> Sergey Filippov, Herman Mooi Innovation project management: a research agenda//Journal on Innovation and Sustainability. November 2010

<sup>7</sup> AdalbertoMantovani M. de Azevedo1 , Marcela de Oliveira Mazzoni , Marco Antonio Silveira Academic Research In Technology Innovation Management and Related Thematic Areas in Brazil. Journal of Technology Management and Innovation, 2013. Volume 8. Special issue ALTEC.

- инновацион фаолиятини молиялаштириш механизмининг самарадорлигига таъсир этувчи чекловларни бартараф этиш ва уларни ривожлантириш масалаларини ўрганиш тадқиқ этиш;

- хўжалик субъектларини инновацион фаолиятини рағбатлантиришни такомиллаштиришга оид таклифлар мавжуасини шакллантириш;

**Битирув малакавий ишнинг ўргатиш обьекти бўлиб**, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари, шунингдек “Davronov Ashraf” МЧЖ” ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** эса хўжалик субъектларида инновацион фаолиятни ривожлантиришда юзага келадиган молиявий, ташкилий, иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишнинг назарий асоси.** Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ҳуқуқий-меёрий хужжатлари, ўзбек ҳамда чет эл иқтисодчи олимларининг ишлари ҳисобланди. Маълумотлар сифатида Самарқанд Вилоят хокимлиги Иқтисодиёт Бош бошқармаси материаллари фойдаланилган. Битирув малакавий ишда тизимлаштириш, омилии таҳлил, таққослаш, умумлаштириш каба усуллардан фойдаланилган.

**Битирув малакавий ишини таркиби** кириш, учта боб, унта параграф, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 83 саҳифа бўлиб, 7 жадвал ва 11 расмларни ўз ичига олган.

Битирув малакавий иш сўнгига хулоса ва таклифлар келтирилган бўлиб ишда олинган сурилган илмий амалий тусдаги қоида, ғоя, фикр-мулоҳаза, хулоса ва таклифлардан республикамиз инновацион сиёсатини такомиллаштиришда, инновацион фаолиятни молиялаштириш жараёнини такомиллаштиришда ва хўжалик субъектлари инновацион фаолиятни ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

# **I БОБ. ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ**

## **1.1. Инновациянинг моҳияти ва аҳамияти**

Энг муҳим бошқарув масаларидан бири компаниянинг инновативлигини ошириш ва айнан янги маҳсулот чиқариш ёки эскини такомиллантириш, ишлаб чиқаришга янги тенологияларни жорий этиш, қайта тузиш, фирманинг ички бошқарув тизимини такомиллаштириш, янги маркетинг стратегияларидан фойдаланиш йўли орқали компанияларнинг бозордагилар қандай ўзгаришга аниқ тарзда мослаша олиш қобилиятини ошириш бўлиб ҳисобланади.

Инновацион менежмент замонавий корпорациялар рақобат стратегияларинг асоси ҳисобланса, инновативлик рақобатдаги қудратли устунлик ҳисобланади.

Замонавий компаниялар инновацион фаолиятни юритиб, ўз олдига узоқ муддат давомида бозорда самарали ишлаш мақсадини қўйди. Ушбу глобал мақсадга эришиш Йўлида қўйидаги кенг қамровли ишлар қилинмоқда:

- бозор улушкини ошириш;
- янги мақсадли бозорларга чиқиш;
- эгилувчан инноватив компаниялар имиджини яратиш;
- асосий ассортимент товарлатрининг хаётый циклини (ТҲЦ) узайтириш ёки аксича, қисқартириш;
- фаолиятни девирсификациялаш.

Компаниянинг замонавий инновацион фаолияти янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва жорий этишга асосланган илмий-техник сиёsat доирасида амалга оширилади. Маҳсулотлар инновацияси ривожлантишнинг стратегик омили эди ва бўлиб қолади, бироқ хўжалик субъектлари раҳбат ҳаракатлари жараёнида барча соҳаларни қамраб оловчи янгиликларнинг бутун мажмуасидан фойдаланишади. Янги маркетинг чора тадбирлари ва

ёндашувларни жорий этиш, хўжалик субъектларини қайта тузилиш, корпаратив ресурслардан фойдаланишда янги бошқарув турлари, услугалирига ўтиш кабилар ҳам хўжалик субъектларининг стратегик мақсадига айланмоқда. Айтиш жоизки, самарали инновацион сиёsat юритиш учун бир вақтнинг ўзида паралел равишда турли хилдаги янгиликларни жорий этиш лозим.

Инновацион жараёнга комплекс ёндашув асосида, инновацияга хўжалик субъектларининг узоқ муддатли ташки муҳитга мослашиши учун уларнинг хўжалик фаолиятининг барча соҳаларида мақсадли ўзгартириш ўтказиш деб таъриф берсак бўлади. Кенг маънода инновация бу-соҳалар, мамлакатлар ва худудлар доирасидаги илмий техник тарақиётдир. Тор маънода эса инновация деганда фирмадаги аниқ янгиликларни тушуниш лозим.

Инновацияга бундай тушунча бериш инновацион менеджментга, менеджметнинг тамойиллари ва функцияларига асосланган ҳолда, янгиликларни бошқариш деб таъриф бериш имконини беради.

Замонавий хўжалик субъектлари фаолиятини Ўрганиш инновацияларни самарали бошқаришнинг бир қатор умумий тамойиллари белгилаб берди. Биринчи навбатда бунга инновацион фаолиятнинг комплекслиги ва перманентлигини киритиш лозим. Комплекслик маҳсулотлар инновацияси натижасида юзага келадиган устунликдан максимал даражада самарали фойдаланишни таъминлаб берадиган қўллаб-куватловчи тизимни яратишни кўзда туради. Ушбу тизимнинг асосий таркибий қисмлари қўйидагилардан иборат:

Инновацион ташкилий тузилма, ишлаб чиқариш жараёнларининг янги ва такомиллаштирилган технологиялари ва ниҳоят янги маҳсулотни сотиш учун қулай бозор шаронтини яратиб беришга йўналтирилган инновацион маркетинг. Уш тарзда рақобатчиларининг янгиликларни нусхалаш ёрдамида устунликлардан фойдаланишга йўл қўймайдиган компанияларининг инноцивлик даражасининг максимал қийматига эришилади.

Замонавий инновацион менеджментнинг бошқа тамойилларига қўйдагиларни киритиш мумкин:

- хўжалик субъектининг глобал стратегияси ва конкрет инновацион лойхалар ўртасида фарқقا эришиш учун инновацион жараёнларнинг мақсадлигини ва стратегик режалаштирилганлиги;
- инновацион фаолият молиялиштириш манбаларининг ва стратегик приоритетларини аниқлашнинг марказлашуви ҳамда инновацион маркетинг ва инновацион лойхаларни оператив бошқариш соҳасидаги изланишлар, ишланмаларнинг марказлашмаганлиги ўртасидаги боғлиқлиг;
- муҳим инновацион қарорларни қабул қилишда бошқарувнинг қўйи поғонаси ва хизматчиларининг қатнашишини таъминлаш. Инновацион манеджментнинг функцияларига қўйидагиларни киритамиз: инновацион фаолиятни режалаштириш, маркетинг, ташкил этиш ва инновацион фаолият самарадорлиги устидан назорат қилиш ҳамда таҳлили ўтказиш.

Санаб ўтилган функциялардан келиб чиқсан ҳолда инновацион менеджментнинг амалга оширилиши босқичларини (фазоларини) белгиласак бўлади:


- ахборотни йигиш ва таҳлил қилиш;
- инновацион жараён мақсадларининг белгиланиши;
- умумий инновацион стратегияларни ишлаб чиқиш;
- бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- инновацион жараённи фазолар бўйича режалаштириш;
- ташкиллаштириш ва оператив бошқарув;
- ҳисоб ва назорат;
- мақсад ва режаларнинг корректировкаси.

Инновацион менежментнинг моҳияти ва тузилишини очиб бериш учун биринчи навбатда инновацион жараёнларни таснифлаш лозим. Инновациянинг таърифидан ва инновацион фаолият таҳлилидан келиб чиқиб инновациялар қўйидагича таснифланади:

- бозор янгилигининг даражасига кўра;

- ўтказилиши сабабига кўра;
- инновация объектига кўра (1-расмга қаралсин.)

Инновацияларининг бозор янгилиги даражасига кўра таснифланиши: бу таснифлашда янгиликлар бирламчи ва иккиламчи турларга бўлинади. Шу билан бирга бирламчи инновацияларга биринчи тўлқин ва иккинчи тўлқин инновациялари киритилади .



### 1-расм. Инновацияларни таснифланиши

Бирламчи инновациялар бу бозор учун янги бўлган илмий изланиш, ишлар натижаси ва бозорга, ишлаб чиқаришга янги технологик ғояларнинг, бошқарув усулларининг, ташкилий тузилмаларнинг киритилиши ҳисобланади. Биринчи тўлқин инновацияларига янги ғоянинг биринчи марта ишлатилиши киради ва бу кейинги илмий-техник тарақиётга туртки бўлади.

Шундай стратегияни танлаган кўплаб фирмалар йирик корпорацияларга айланди: IBM-компьютерлар, Xerox-нусхалаш, Ford-автомобиллар, General Electrik - эллектромоллар, Eederal Express 24 соатлик етказиш. DU Pont - янги материаллар.

Лекин замонавий жамиятда ресурсларнинг чекланганлиги ва технологик имкониятларнинг камлиги янги маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон бермайди. Шунинг учун кўп янгиликлар инновацияларнинг иккинчи тўлқинига мансубдир.

Иккинчи тўлқин бу новаторлари бозорда аввал мавжуд бўлган товарлар, хизматлар, технологияларга чуқур сифатли ўзгартириш киритувчи компаниялар ҳисобланади. Бундай компанияларга Sinclair, Osbourne, Appse, advanced Memory Systems, genetech кабилар киради.

Иккиламчи инновациялар эса фақатгина янгиликни чиқарган фирма учунгина янгилик ҳисобланади. Бунга фирма учун янги бўлган фаолиятни диверсификациялаш (товар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш) кабилар мисол бўла олади.

Инновацияларнинг ўтказилиши сабабига кўра таснифи. Ҳар бир инновация у ёки бу омил таъсирида вужудга келади. Агар хўжалик субъектлари тадбиркорлдик муҳитида содир бўлаётган ўзгаришларга мослашишни истаса, у ҳолда мослашув инновациялари ёки бошқарувнинг мослашув методлари муҳим аҳамиятга эга.

Агар хўжалик субъекти ташки муҳитда юз бераётган ўзгаришларни олдиндан билиш имкониятига (илмий, молиявий, маркетинг ва бошқалар) эга бўлса, у ҳолда у келажакда рақобат устунлигига эга бўлиш стратегик бошқарувни амалга оширади. Бундай инновацияларга ўзиб кетувчи инновациялар деб таъриф бериш мумкин. Бундай инновацияларга асосан доимий инновацион муҳит яратиш имконияти бўлган компаниялар эга бўлади. Бундай ҳолларда фирманинг таркибида қисман ёки тўлиқ венчур фонларидан молиялаштириладиган ва янги ғоялар, юқори рискли лойиҳаларининг генератори бўлган маҳсус бўлимлар, хизматлар ва илмий

ишлаб чиқариш мажмуалари тузилади. Ўзб кетувчи инновациялар асосан барқарор бозор позициясига эга бўлган, асосий маҳсулотининг кенг асортименти бўлган «технологик лидер» компаниялари томонидан амалга оширилади.

Инновацияларнинг учинчи таснифи улар йўналтирилган обьект бўйичадир. Объектига кўра инновацияларни 4 гурухга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

- маҳсулотлар инновацияси;
- бошқарув инновацияси;
- маркетинг инновацияси;
- технологик инновациялари.

Маҳсулотлар инновацияси. Бозор нуқтаи назаридан товар янгилиги деганда, турли кўринишдаги янгиликларни тушуниш мумкин:

- 1) мутлоқ янги товар;
- 2) модернизациялаштирилган товар;
- 3) модификациялаштирилган товар;
- 4) янги қўлланиш соҳаси товари;
- 5) бозор янгилиги товари.

Ушбу ёндашувда юқоридаги тушунчалар уларнинг янгилик даражаси қисқариши тартибида келтирилган. Бозордаги ҳар қандай товар қачонлардир мутлоқ янги бўлган, аналоги бўлмаган. Бугунги кунда бундай товарлар асосан илмий соҳалардан (телеқомуникация, биотехнология), фармацевтика саноатида ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтамоқда. Бундай инновациялар устида изланишлар олиб бориш ва жорий этишга илмий-изланиш институтлари билан алоқага эга бўлган, венчур тузилмаларини сармоялаштириладиган йирик фирмаларнинг имкони етади. Товар инновацияларининг энг кенг тарқалган турлари модернизациялаштирилган ва модификациялаштирилган товарлардир. Модернизациялаштирилган товар мавжуд товарга глобал, сифатли техник ўзгартиришлар киритиш натижасида юзага келади. Шу билан бирга товар модификацияси бозорнинг тор сегменти

талабини қондиришга қаратилган унчалик катта аҳамиятга эга бўлмаган такомиллаштирувни назарда тутади. Бу ўзгариш асосан товарнинг ташки кўриниши билан боғлиқ бўлиб, товар асосий аввалги функциясини сақлаб қолади. Буларга янги ранг, дизайн, ҳид ва бошқалар киради. Бундай инновацияларни ўтказиш товар ассортименти линиясининг кенгайишига олиб келади. Шундай қилиб, маҳсулотлар инновациясига З турдаги янги маҳсулотни, яъни: мутлоқ янги, модернизациялаштирилган ва модификациялаштирилган товарларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш киради. Қолган икки тур янги қўллаш соҳаси товар ва бозор янгилиги товари маркетинг инновацияларига киритилади.

Маркетинг инновациялари жорий этиш частотаси ва қўп қирралилиги билан бошқа инновациялардан устунликка эга. Чунки бу инновациялар нисбатан пастга нархга эга ва юқори вариативлиги бор, яъни хиллари қўп.

Энг кам тарқалган маркетинг инновацияларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- маркетинг изланишларнинг янги услубарини қўллаш;
- бозорни сегметлашнинг янги стратегияларини қўллаш;
- мақсадли сегментни ривожлантирувчи ва қамраб оловчи янги маркетинг стратегиясини танлаш;
- ассортимент сиёсати асосида қўйилган концепциянинг ўзгартириш;
- янги нарх стратегиясини танлаш ёки эскисини ўзгартириш;
- коммуникацион сиёсатнинг янги шаклларидан фойдаланиш;
- рекламанинг янги турларидан фойдаланиш ва истеъмолчилар диққатини ўзига қаратишнинг янги усулларини танлаш.

Айтиш жоизки, маркетинг инновациялари асосан маҳсулотлар инновациясини жорий этиш натижасида юзага келади. Шунга қарамай маркетинг инновациялари эски товарни силжитиш мақсадида ҳам ишлатилиш мумкин.

Бошқарув инновациялари асосан 1980 йилларнинг ўртасида янги бошқарув тартибига ўтиш натижасида юзага келади. Ушбу ёндашувнинг

асоси компанияни максимал самарали бошқариш тамойили бўлади. Бугунги кунда бизнесдаги энг юқори позиция (бозор улуши, фойдалилик, ўсиш темпи)га нафақат юқори илмий изланиш натижаларига эга бўлган, мукаммал рақобат устунлигига эга бўлган фирмалар, балки менежмент соҳасида ютуқларга эга бўлган фирмалар ҳам эришмоқда. Бошқарув инновациялари компанияни қайта тизимини, яъни унинг хўжалик фаолиятини оптималлаштириш мақсадида ташкилий тузилмасини, элементларини ўзгартиришни назарда тутади. Бундай янгиликлар сирасига ишчиларга ҳақ тўлашнинг янги усул ва тамойилларни ҳам киритишимиш мумкин.

Нихоят технологик инвестициялар бевосита ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, бунда янги техник ва технологик услублар қўлланилади. Бундай инновациялар сирасига ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, ишнинг ячейка тизимидан фойдаланиши, ишлаб чиқариш минералини компьютерлаштириш ва роботлаштириш, моддий-ишлаб чиқариш базасини оптималлаштириш кабилар киради. Шундай қилиб, технологик инновацияларнинг обьекти ишлаб чиқариш циклининг ҳар бир босқичидаги ишлаб чиқариш механизмларининг турли элементлари ҳисобланади.

## **1.2. Инновацион жараёнлар концепциясининг тикланиши ва босқичлари**

Ишлаб чиқаришнинг янгиланиш жараёни, янги товарлар, янги техника ва бошқарув қарорларининг таъсири устида биринчи марта жиддий изланиш олиб борган олим Австриялик иқтисодчи И. Шумпетер бўлиб, у XX аср бошида яшаган. У биринчи бўлиб, «инновация» терминини фанга киритди. «Иқтисодий тараққиёт назарияси» ишида у инновацияга компанияни ташкил этишининг янги шакллари, янги товарлар, бозорларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш мақсадида ўтказиладиган ҳар қандай ўзгартириш деб таъриф беради ва «новатор»деб номлаган янги талабчан тадбиркор турини киритади.

Янгиликларни жорий этишининг назарий асосланиши инглиз олими

Джон А. Гобсон (1858-1940) томонидан амалга оширилди. Унинг айтиши бўйича тадбиркорнинг ҳақиқий кучи янги бозорларни топиш, янги товарларни ишлаб чиқариш ва товар тайёрлашнинг янги усулларидан фойдалани олиш қобилиятидадир. Бундай ишлаб чиқаришни Гобсон «проулссив саноат соҳаси» деб атади. Бошқача айтганда, Гобсоннинг тадбиркори И. Шумпетернинг «Новатори» билан бир хил маънога эга.

И. Шумпетернинг концепцияси бошқа ғарб олимлари томонидан ҳам ривожлантирилган хусусан бошқарув муаммолари бўйича америкалик мутахассис П. Друкер ўзининг «Инвестициялар ва тадбиркорлик» асарида ўз фикрларини билдирган. Унинг айтишича, янгилик бу тадбиркорликнинг янги бизнес ва хизмат турини амалга ошириши учун ишлатиладиган муҳим инструментидир. Шундай қилиб, Шумпетер инновацияни корхоналар ўртасидаги рақобатда муҳим аҳамиятга эга деган бўлса, Друкернинг айтишича янгиликлар бизнес ривожланиши учун муҳимдир.

П.Друкернинг айтишича, инновациялар тадбиркорликнинг суперюлдузидир. Бундай янгиликларга ҳамманинг диққати қаратилган бўлади ва бу катта даромад келтиради. Янгиликлар бозорга йўналтирилган бўлиши керак ва бозор конюктураси бошқарилиши лозим. Янгилик омадли бўлиш учун, барча манфаатдор тарафлар ўз ҳаракатлари билан янгиликларни мустаҳкамламоғи лозим. Қисқа шаклда ушбу сатрларда инновацион жараённи бошқариш билимлари жамланган. Аниқ инновацион лойиҳани амалга ошириш учун реал иқтисодий шароитларда инновацион имкониятлар қидириш ва уларнинг самарали комбинацияларини шакллантириш инновацион лойиҳани амалга оширувчи фирма даражасидаги инновацион стратегияни ўзига намоён этади.

Иқтисодий адабиётларда инновацияга таъриф беришда турли ёндашувлар мавжуд. Инновация таърифига кўра, «жараён» ҳисобланади. Лекин бу жараённинг таркиби, унинг элементлари, фазалари чалкашликлар сабаби бўлиб қолмоқда. И. Шумпетер назариясига кўра иқтисодий ўзгаришлар янгиликлар натижасида юзага келади. Маълумки, янгилик

ихтиро билан бир маънога эга эмас. Шумпетернинг айтишича, инновация тадбиркорлик фаолияти категория бўлиши учун мавжуд ишлаб чиқариш кучларидан янги муаммоларни ҳал этиш учун фойдаланиш лозим. Техник нуқтаи назардан, инновацион фаолият илғор корхоналарнинг вужудга келишига олиб келади, янги технологик эски корхоналар мухитида вужудга келмайди. Эски фирмалар иқтисодий зилзиладан фақатгина инновацияларни жорий этиш орқалигина ўтишди. Янгиликларни жорий этиш жараёни бир текисда ўтмайди. Агар битта тадбиркор технологик ва молиявий қйинчиликлардан ўтиб, фойда олишнинг янги йўлини топса, дарров бошқа фирмалар унга интилишади. Инновацион фаолиятга янги тадбиркорлар ва фирмаларнинг қўшиши қимматликларнинг бузилишига олиб келади. Янгиликни қабул қилишга қобилияти бўмаган, бозор талабига мослаша олмайдиган фирмалар турли хил хатолар натижасида банкротликка юз тутади. Шунинг учун Шумпетер бу жараённи “Яратувчи бузғунлик” деб атади, яъни эски хўжалик тизими ўз ўрнини янги, мукаммаллашган иқтисодий механизмга бўшатиб беради. Унинг фикрича, бу бозор хўжалигининг муҳим қирраси ҳисобланади. Янгиликлар “эски” (аввалги) иқтисодий муносабатларга зарар етказсада, охир-оқибат жамият учун иқтисодий фойда келтиради. П.Друкер Шумпетернинг фикрини тасдиқлаб, инновация техник эмас, балки иқтисодий тушунча дейди. Чунки инновация менежмент соҳасида ҳам мавжуд: ички бошқарув, ишлаб чиқариш ва персонални бошқаришдаги ўзгаришлар. У инновацияни “янги усуслар ёрдамида бойлик яратиш қобилияти” деб атайди. Шундай қилиб, унинг фикрича, инновацион фаолият фақатгина ишлаб чиқариш ва майний хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтирилган бўлади ва иқтисодий аспектлар билан чегараланган, шу билан бирга янгиликларни ўзлаштириш иқтисодий ўсишдаги илмий техник тараққиётда муҳим аҳамиятга эга. Бозор муносабатларида капитални жамғариш ва технологияни йигиш ўртасида катта боғлиқлик бор. Бу боғлиқлик шунчалик каттаки, бир жараёндан иккинчи жараённи ажратиб булмайди. Чунки капиталдан моддийлашган

кўринишида фойдаланиш товар оборотнинг айланишниши таъминлайдиган товар ишлаб чиқаришнинг ўсишга олиб келади. Китирилган инвестициянинг моддийлашган капитал сифатидаги ўз-ўзидан ошиши самарали бўлиши учун ишлаб чиқарилаётган товар номенклатураси жорий этиладиган янгиликлар ҳисобига такомиллаштирилиши лозим. Чунки айнан шу ҳолда товар барча талабларни қондиради.

Инновацион жараён алоҳида босқичлар мажмуидан иборат бўлиб, технология, техник ғояни илмий ишлаб чиқариш, уни саноатда фойдаланиш даражасига олиб бориш, янги маҳсулотни олиш, уни тижоратлаштиришга, яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, умумий жараённинг самарадорлиги ҳамма босқичлар бир бутун ҳолда мужассамлашганлигига боғлик. Инновацион жараёнлар ишлаб чиқарувчиларнинг жами илмий-техника, ишлаб чиқариш маркетинг фаолиятига синаб кетадиган жараён сифатида қаралиши керак ва у охир-оқибатда истеъмолчилар талабини қондиришга қаратилиши, яъни бозорга йўналтирилган янгилик жорий босқичлар муҳим аҳамият касб этиш лозим. Инновацион жараённинг барча босқичлари ўзига хос меҳнатни ташкил қилиш, бошқарув молиялаш, кадрлар билан таъминлаш усулларини талаб қиласди.

Лекин бозорда мувоффақият қозониш учун ташкилот турли звеноларни бир бутун занжир ҳолатига келтириши керак.

Инновацион механизм алоҳида босқичини такомиллаштириш умумий жараён натижаси ошишини таъминлаши мажбурий эмас. Агар қимматли фундаментал ғоялар янги технологик жараёнлар учун ишлатилмас экан, янги технологиялар эса жамият талабини қондирувчи товарга айланмайди ёки локал соҳаларда илмий-техника тараққиёти учун амалда тадбиқ этилмайди. Алоҳида босқичда олинган натижаларда ўзининг қимматини бошқа босқичларда йўқотади ва умумий жамият ишлаб чиқариш ривожига кам таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда инновацион жараёнларнинг қийин кечиши сабабаларидан бири, бу унинг турли босқичлари билан ҳар хил меҳнат

жамоалари шуғулланиши ва ҳар бири ўзининг қизиқишини, фойдасини кўзлаб ҳаракат қилиб эътиборни қаратишидир. Жараённинг идораларраро алоқа жойларида одатдаги узилишлар вужудга келиб, янгиликларни ёқтирмаслик синдроми ҳосил бўлади.

Шу сабабдан, инновацион жараён самарадорлигини таъминлаш учун биринчи навбатда шундай ташкилий шаклларни топиш керакки, унда ҳар бир босқич натижаси кейинги босқичнинг ҳаракатига хизмат қилсин. Жараённинг узлуксизлигини, мослашувчанлигини ва ҳаракатчанлигини таъминловчи босқичлар боғланиш ҳам муҳм аҳамиятга эга. Фақат шундагина инновацион жараён механизми самарали бўлади.

Ривожланган бозор иқтисодиётида реал янгиланишларни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларга алоҳида аҳамият бераб, инновацион жараённинг ҳар бир босқичини тўлиқроқ кўриб чиқамиз.



## 2-расм. Инновацион жараён босқичлари

Ҳар бир янгилик киритиш илмий-техник ғоянинг туғилишидан бошланади (биринчи босқич). Илмий- техник ғоя 2 та хусусиятга эга бўлиши керак: янгилиги ва маҳсулотда ёки техник жараёнда бозор истеъмол

патентиали борлиги, бунда охирги хусусияти мухимроқдир, чунки айнан у бозорнинг инновацияни иқтисодий қабул қилишини белгилайди. Қатор тадқиқотлар маълумотига мувофиқ, 75-85% инновациялар бозор талаби борлиги учун амалга ошади.

Тадқиқотлар статистикаси шуни кўрсатадики, илмий-техник ғояларининг асосий қисми йирик фирмаларнинг илмий лабораторияларида яратилади. Кичик фирмаларнинг биринчи босқичда роли оз, чунки уларнинг техник ва иқтисодий потенциали фундаментал ёки режали илмий изланишлар олиб боришга имкон бермайди, шунинг учун улар ўз кучларини яратилган илмий-техника ғояларини такомиллаштиришга сарфлайди. Кейинги иккинчи босқични-ўзлаштириш босқичи, деб аташ мумкин, унда янги маҳсулотлар танланади, синалади ва тажрибавий ўзлаштирилади.

Корпорацияларнинг тасдиқланишича, бу ишлар тижорат қимматбаҳолиги нұқтаи-назаридан жуда ноаниқ ва шунинг учун вакт ва маблағлар сарфи ўта таваккалдир. Йирик корпорациянинг бу даврда инновацияни қабул қилиши жуда ноаниқ ва паст. АҚШ фирмаларини текшириш маълумотларига асосланиб, бу ғояларнинг тахминан 80% реализацияси бекор қилинади. Қолган 20% янгиликларни тижорат қиммати ва амалга ошириш эҳтимоли ортади.

Тажрибавий ўзлаштириш ва текширишлар давомида янгиликларни амалга оширишни техник қийинчилиги ва керакли молиявий маблағ етишмаслиги сабабли ажратилган 20% лойиҳанинг ҳар олтинчиси тадқиқоти тўхтатилади.

Бу ўзлаштириш маҳсулот тимсоли (прототип) ва тажриба нусхаси яратилиши ҳамда инновациянинг тижорат қимматига аниқлик киритилиши билан якунланади. Шундай қилиб, 2-bosқич ўзига хос ғалвир (фильтр) вазифасини ўтаб, ундан қабул қилиган илмий-техник ғояларнинг тахминан 15% и ўтади.

Узлаштириш босқичи-бу кичик илмий фирмалар фаолияти доирасидир. Агар илмий-техника ғоясига сарф қилиган маблағ

муваффақиятсизликка учраса, бу кичик таҳдид солиш мумкин. Лекин улар бари-бир таваккал қиладилар, чунки муваффақият қозонса катта фойда олади ва янгиликка сарф бўлган маблағлар ўзини юқори даражада оқлайди.

Учинчи босқич – янгиликни тарқатиш босқичи – бу бозорда харидорни қидириш ва қондириш босқичи. У инновацион фирмалар сонининг тез ортиши билан характерланади ва ҳали кенгаяётган ҳамда тўйинмаган бозорга лидерлик қилишига интилади. Бу босқичнинг муҳим хусусияти “бозор-тадқиқот ва тадбиқ қилиш” қайта алоқасини шакллантириш ва кучайтириш бўлиб, у бозорни инновацион жараёнларнинг кучли катализатори ролини ижро этишга мажбур қиласди. ИТТКИ (илмий тадқиқот, тажриба - конструкторлик ишлари) натижалари истеъмолчиларга тақдим этиш мумкин бўлган янада янги маҳсулотнинг модификацияларини бозорда пайдо булишига олиб келади.

Янгилик киритишнинг тарқалиш босқичида катта корпорацияларнинг қизиқиши бошланади, қайсики, улар кичик инновацион фирмалардан лицензияни сотиб олади ва шундай қилиб янги истиқболли бор маҳсулотни эгаллаб олишга ҳаракат қиласди ва уларнинг оммавий ишлаб чиқаришни узлаштиради: Янгилик киритишнинг маромига етказиш борган сари катта фирмалар лабораторияларда концентрациялашади. Улар янгилик киритишнинг янги модификацияларини яратишдан чекиниб, истиқболли моделларни қуриш технологияларини йигади.

Тўртинчи босқич-янгилик киритишнинг етилган босқичи - бозор талаби етарлича аниқланади, ишлаб чиқариш оммавий бўлиб, инновацион маҳсулотнинг принципиал модификацияларининг имкониятлари кескин чекланади. Бу босқичда майда фирмалар стратегияси ҳукмрон бўлиб, инновацияни яхшилайди. Бу инновация реализацияси натижасида маҳсулот принципиал бўлмаган ўзгаришларга дучор бўлиб, асосий хусусиятлари ўзгармайди. ИТТКИнинг асосий мақсади, бу босқичда олиб борган ишлаб чиқаришни рационализациялаш ва чиқимларни камайтириш, маҳсулотни индивидуал истеъмолчилар талабини қондириш учун дифференциаллашdir.

Шундай қилиб, инновацион жараён аниқ намоён бўлган тор доирадаги маркетинг ҳаракатини ўзлаштиради.

Турли фирмалар томонидан ишлаб чиқарилган, бозорда рақобат қилувчи маҳсулотлар, ўзининг техник параметрларига кўра, кам фарқ қиласди. Асосий омил сифатида, рақобат муҳитида нарх эътироф этилади. Хусусан, нарх омили амалда бозорда майдада фирмаларнинг кириб келишини тўсади, қайсики ўз фаолияти учун янги технологик йўналиш қидиришга мажбур. Бундай йўналиш изланиш эса, янги инновацион циклнинг бошланишига туртки бўлади.

Шундай қилиб, инновацион жараённи бозорда янгилик реализация қилиш йўли билан жамият талабларини қондиришга йўналтирилган илмий технологик, ишлаб чиқариш, маркетинг фаолиятининг ҳамма жабҳаларига кириб борувчи жараён сифатида тасаввур қилиш мумкин. Янги инновацион жараён бу жамиятнинг янада замонавий талабларини қондириш ва илмий-техник янгилиги бор бўлган маҳсулотларни бозорга таклиф қилиш жараёнидир.

Инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг турли шакллари мавжудлигини ҳисобга олиш даркор. Ишлаб чиқариш аппратини янгилашнинг биринчи шакли машинасозлик корхоналарига хосдир: янги рақобатбардош машина ва агреатлар ишлаб турган цехларда чиқарилади, бунинг учун янги технологиялар, материаллар. Ахборот коммуникациялари қўлланади, янги станоклар ўрнатилади, майдонлар қайтадан ташкил этилади ва янги ускуналар тайёрланади. Бу корхоналарда инновацияларни жорий этиш муддатлари ва қўшимча харажатларо унча кўп бўлмайди, бундан ташқари кўпгина йрик ва ўртacha машинасозлик корхоналари ўзларининг илмий-тадқиқот иннститутларига эга бўлиб, улар янги буюм ва технологияларнинг ҳаётий цикли бўйича туркум ишларни амалга оширадилар Улар вазифасига илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, техниковий хужжатларни тайёрлаш, буюм ва технологияларнинг тажриба наманасини ва тажриба туркумини ишлаш билан бир қаторда

корхонани сериллаб маҳсулот ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни лойҳадаги қуввати даражасига олиб чиқиш босқичлари ҳам киради. Биринчи шаклда жорий этиш муаммоси катта қийинчиликлар туғдирмайди. Турли-туман инновацияларни жорий этишнинг иккинчи шакли ишлаб турган цехлар ва корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш, реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳамда янги цехлар ва корхоналар қуришдан иборат.

Янгилашнинг иккинчи шакли мураккаб бўлиб, бир йўла қўп миқдорда маблағ сарфлашни (инвестициялар киритишни), узоқ муддат давомида ва қўп миқдорда қўшимча моддий ва молиявий харажатлар қилишини ҳамда жараёнда иштирок этувчилар юқори малакага эга бўлишини талаб этади.

Жорий этиш босқичи расман тан олинмаган. Гўё инновация жараёнида бу босқич йўқдек. Иқтисодиёт инновацион жиҳатдан муваффақият билан ривожланиши учун илмий кашфиётлар, ихтиrolар қилиш, илмий тадқиқотларни бажариш ва инвестор топиш кифоя деган фикр ўрнашиб қолган.

Реал ҳаётда бундай босқич мавжуд, аммо у олдиндан режа ва дастурлар ишлаб чиқмасдан, қўпинча стихияли тарзда айrim ижрочиларнинг тажрибаси ва интуициясига боғлиқ ҳолда бажарилмоқда.

Умумий инновацион жараёнга яна бир босқични - жорий этишга тайёргарлик босқичини қўшиш керак. Жорий этиш босқичи каби, тайёргарлик босқичи ҳам расман тан олинган эмас, ташкилий ва техниковий жиҳатдан ишлаб чиқилмаган. Бу босқичда инновацияларни самарали жорий этиш учун шароит яратадиган ҳамма ишлар бажарилиши, шу жумландан инновацияларга бўлган эҳтиёжлар аниqlаниши, инновациялар қидирилиши, ускуналарни тайёрлашга буюртмалар берилиши керак.

### **1.3. Инновацион фаолиятни амалга ошириш хусусиятлари**

Барча ташкилотлар ташқи муҳитдаги субъектлар билан боғлиқ ҳолда фаолият юритади. Шуниндек, фирмадаги барча ички жараёнлар ташқи

муҳитдаги глобал ўзгаришларнинг натижаси ҳисобланади. Инновацион фаолиятнинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни ички ва ташқи омилларга ажратиш мумкин. Ички омилларга компания ичида юзага келган ва у ёки бу инновациялар орқали ҳал этиладиган муаммолар киради. Ташқи омилларга эса ташқи муҳитдаги компаниялар мослашишига мажбур бўладиган (шунингдек, инновациялар киритиш орқали) барча ўзгаришлар киради.

Фаолият йўналиши турлича бўлган, келиб чиқиши ҳам турли миллатга бориб тақаладиган компаниялар учун ташқи тадбиркорлик муҳити характеристикиси муҳим аҳамиятга эга. Глобал ташқи муҳитни тавсифлайдиган бир қатор тушунчалар мавжуд бўлиб, булар фирмада инновацион сиёsatни юритишнинг объектив зарурлигини ифодалайди.

Биринчидан, ташқи муҳит омиллари ўзаро боғлангандир. Ҳозирги пайтда бир омилнинг ўзгариши бутун бир иқтисодий тизимнинг глобал қайта қурилишга олиб келади. Бундай ўзгаришларга мисол сифатида. 1990 йилларда алоқа ахборот ўзатишнинг янги воситаларига бўлган талабнинг ошганини кўрсак. Бунинг натижасида жаҳон хўжалигида янги тармоқ, яъни телекоммуникация тармоғи ажралиб чиқади. Бу янги соҳанинг кейинги инновацион ривожланишига бозордаги барча тармоқ таъсир қилди. Аъданавий тармоқлар, истеъмолчилар ва давлат тузилмалари “янги иқтисодиёт”га мослашишига мажбурдирлар ва бу ўз навбатида жамият ижтимоий ва маданий ҳаётига таъсир этади.

Ташқи муҳитнинг иккинчи муҳим жиҳати, яъни уни характерлайдиган хусусияти унинг силжувчанлигидир. Замонавий босқичда ўзгаришлар катта тезлик билан асосан телекоммуникация, кимёвий ва электрон саноат, компьютер ва биотехнология ишлаб чиқариш соҳаларида юз бермоқда. Шуниси қизиқки компания турли бўлимларида ўзгариш тезлиги турличадир. Масалан, ИИТКИ (илмий изланиш тажриба конструкторлик ишлари) бўлими менеджери илмий-техник муҳитдаги кунлик ўзгаришлардан боҳабар бўлиши, рақобатчилар эришган ютуқларини кузатиш ва янги технологик

стандартларга риоя этиши лозим.

Кейинги, яъни учинчи муҳим жиҳат бу унинг мураккаблик даражаси. Компаниянинг технология даражаси қанча юқори бўлса, унинг структураси қанча мураккаб бўлса, яъни бўйсунувчи бўлимлари қанча кўп бўлса, унинг фаолияти қанча халқаро аҳамиятга эга бўлса ва қанча кўп маҳсулоти диверсифтацияланган бўлса, шунча компания мураккаб ташқи муҳитда фаолият юритади ва инновацион менеджментнинг аҳамияти шунча ошади.

Ташқи муҳимнинг юқоридаги жиҳатлари шуни англатадики, ҳар бир инновацияга йўнатирилган компания бевосита ва билвосита таъсир этувчи барча элементларни ўзгаради ва таҳлил қиласди. Шунингдек, инновацияни жорий этишда сиёсий, иқтисодий ва илмий-техник муҳим каби макроиқтисодий категориялар муҳим омил ҳисобланди. Айтиш жоизки билвосита таъсир этадиган ўзгаришларни башорат қилиш осонроқ лекин бевосита рақобатчилар таъсири ва истеъмолчилар танловини олдиндан билиш қийин. Мисол учун, глобал ўзгаришлар бўлиши нефть инқирози, экологик муаммолар қабиларга компания олдиндан стратегик режалаштириш орқали тайёрланади. Рақобатчилар томонидан янги маҳсулот ишлаб чиқарилса, маълум турдаги товарга талаб йўқолса, компаниянинг ўзгаришга жавоб бериш анча қийин бўлади. Ана шундай ўзгаришларга мослашиши учун компания ташкилий тузилма, ишлаб чиқариш ва инсон менталитети эгилувчанлигини таъминлайдиган доимий инновацион муҳит яратиш лозим.

Янгиликлар ва янгиликни жорий этиш қобиляти компанияга рақобат муҳитида устунлик беради. Асосий рақобат муҳити бу бозор шунинг учун янгиликнинг иқтисодий аҳамияти унинг бозор рақобатида фойда келтиришидир.

Замонавий рақобатбардошлиқ тушунчаси комплекс ва қўп қиррали тушунчадир.

Рақобатбардошлиқ деганда, хўжалик субъектини рақобатчилар ўртасида ажратиб турувчи ва унинг маҳсулотига маълум бозор устунликларини берувчи стратегик омилларни яратади олиш ва ишлатиш

қобилияти тушунилади.

Хозирги кунда рақобатбардошликтининг бир неча омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- сифат кўрсаткичлар;
- маркетинг кўрсатикичлари;
- тижорат кўрсаткичлари;
- гудвилл.

Сифат кўрсаткичларига маҳсулотнинг техник-иктисодий параметрлари (капитал сифими, илмий, техник параметрлар, узок муддатлилиги, иктисолидлилиги ва бошқалар). Эргонолик параметрлар (антропометрик, психологик ва гигиеник кўрсаткичлар), экологик кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Маркетинг кўрсаткичлари маркетинг тадбирларининг самарали ўtkазилишини англатади. Бугунги кунда компаниянинг омади унинг истеъмолчилар эҳтиёжини қондира олиши, талабни юзага келтира олиши ва бошқара олиши билан белгиланади.

Тижорат кўрсаткичлари компаниянинг тижорат фаолиятини англатиб, ўз ичига эгилувчан нарх сиёсатидан фойдаланиш ва кафолатдан кейинги хизматни ташкил этиш, фойдали битимлар тузга олиш ва операцияларни ўтказишдаги аниқлиликни қамраб олади.

Рақобатбардошликтининг янги омили унинг имиджи ёки гудвилл. Бу тушунчага фирманинг машхурлик даражаси, унинг интеллектуал мулкининг хажми ва хусусияти киради. Юқоридаги 4 омилнинг ҳар бирида субъект фаолияти инновацион томонининг аҳамияти каттадир. Масалан, сифат тушунчаси маҳсулотнинг миллийлиги билан боғлиқ ва бу янги технологиялордан фойдаланишни талаб этади. Истеъмолчилар хошишининг ўзгариб туриши маҳсулот янги дизайнини яратишни, унга янги функционал хусусиятлар қўланиши, янги экологик стандартлардан фойдаланишини талаб этади. Янгиликларсиз маҳсулотнинг юқори сифати ҳақида гапириш қийин.

Маркетинг инновациялари ҳам кампаниянинг бозорда етакчи

бўлишида катта аҳамиятга эга. Инноватив компаниянинг имиджи ҳам инвесторларни ва 7-стеъмолчиларни ўзига жалб этади.

Шундай қилиб, замонавий шароитда хужалик субъекти рақобатбардошлиги ва уларнинг инновацион фаолияти ўртасида боғлиқлик бор. Компаниялар фаолияти халқаро тусга кираётганлигини эътиборга олсак, инновативлик халқаро компанияларнинг рақобатбардошлигининг муҳим омиллидир.

Рақобатчилардан ўзишда янги омил бўлиб, янги маҳсулот ва хизматларни бозирга чиқариш ҳисобланади. Компаниялар тармоқларида “технологик юксалиш”ларни олиб келади. ИИТКИ натижаларини доимий ҳисобга олишнинг муҳимлигини инглиз иқтисодчиси Певитт айтиб ўтган ва технологик жамғармалар тушунчасини киритди. Бу тушунчага кўра, янги тенологияни яратиш фирмада янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва жорий этиш доирасида доимий, узлуксиз ўзгаришлар ва аниқлик киритишнинг занжирри сифатида ўрганилади.

Аниқ тармоқдаги у ёки бу фирманинг технологик ривожланиш йўналиш, барча кампаниялар учун хос белгилар билан ҳам, ихтисослашув омиллари билан ҳам белгиланади. Субъектив сабабларга кўра ҳар хил давлатларда илмий-техник ривожланиш ҳар хил темпда амалга ошади. Шу билан бирга “инновативлик” омили фақатгина етакчи технологияларни эгаллашни кўзда тутади. Бошқарув бўйича америкалик мутахассиснинг айтишича. “Инновацион жараёнини бошқаришда етакчи технологияли фирмалар томондан чегаралайдиган ҳеч қандай мўжизавий ҳолат йўқ”.

ИИТКИ нинг етакчи ғарб мамлакатларидағи йўналишларининг таҳлили шуни кўрсатдики, янги маҳсулот деганда кўпинча яхшиланган эски ёки бозорда куталаётган товарлар тушунилади. Ривожанланган мамлакатларда 1970-1990 йлларда рўйхатга олинган янгиликларнинг  $\frac{3}{4}$  қисми мавжуд товарларни такомиллаштириш ёки ишлаб чиқариш технологияларини янгилашга тааллуқлидир. Фирмалар томонида кенг реклама қилинадиган ишлаб чиқарышнинг “яхшиланган” номенкулатураси

кўпинча ҳақиқатга мос келмайди, чунки ИИТКИ нинг асосий фаолияти мураккаб техник дастурларни амалга оширишга эмас, балки товарларни салгина такомиллаштиришга қаратилган. Йирик америка маслаҳат фирмаси МС GROWNIM ни таҳлил қилиш шуни кўрсатди, АҚШнинг 90% фирмалари ИИТКИ га харажатларини 6 йилгача муддатга қоплаб олишини хоҳлашади. Техник ривожланишнинг нисбатан муҳим мақсадлари фақатгина баъзи тармоқларда учрайди. Буларга авиаракета-космик, кимё, электорн ва телекоммуникация тармоқлари. Бунга сабаб бу соҳаларда муҳим техник муаммоларни ечиш зарур. Бундай ёндошув булар тез фойда олиш имконини қилинмайди (малакали мутахассислар). Янгиликларни жорий этиш бу фирманинг кашфиётларни ўзлаштиришга бўлган узлуксиз ҳаракати, бўлиб фирмани бозорга олиб чиқади. Булар ҳаммаси “тажриба-конструкторлик ишлари” термини билан ёки илмий изланишлар ва тажриба конструкторлик ишлари тушунчаси билан бирлаштирилади.

Бозор талаби таъсирида ИИТКИ етакчи давлатларда анча ривожланди. Замонавий изланишлар ва ишланмаларнинг ривожланишнинг ҳаракатерли жиҳати ИИТКИ натижаларидан бир вақтда фойдаланишdir. Агар авваллари ишлаб чиқаришнинг асосий технологиялари кетма-кет ривожланган бўлса, бугунги кунда муҳим технологиялар (микроэлектроника, уяли алоқа интернет, биотехнология) бир вақтда ривожланамоқда. Улар бир-бирини тўлдириши мумкин ва натижада бозор потенциялига эга янги илмий йўналиш юзага келади (масалан, микроэлектроника ва механика, оптика ва биотехнология).

Эришилган ютуқларнинг аста-секин йиғилиши ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг эволюцион яхшиланишига олиб келади ёки фан ва техниканинг алоҳида янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва янги бозорларда ўз ўрнига эга бўлиш учун капиталини экспорт қиласи. Янги товарлар ишлаб чиқаришга қаратилган

бевосита капитал қўйилмалар фирмага чет эллик рақобатчилардан ўзини имконини беради ва ўз лицензиясини сотиш орқали бошқалардан

устунликка эга бўлади.

Маҳсулот рақобатбардошлик кўрсаткичлари ишлаб чиқаришда юзага келади ва изланишлар хамда ишланмалар босқичида шаклланади. Булар илмий- техник қарорлар сифатида юзага келиб, патентлар орқали ҳимоя қилинади. Кейинчалик эса, патент асосида муаллифлик ҳукуки ҳимоя қилинади ва янги маҳсулот ишлаб чиқарилади ёки лицензияни сотиб олган компания ҳам ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариши мумкин. Шундай қилиб компанияларнинг бозордаги рақобатчилиги юзага келадиган босқич илмий-техник рақобат деб аталади. Унинг моҳияти қўшимча фойда келтирадиган илмий- техник ресурсларга эгалик қилишга бўлган рақобат курашида. Бу ресурсларга эгаликнинг бир қисми қонун асосида ҳимоя қилинали (патент, лицензия, тижорат сирлари), бир қисми эса ҳимоя

## **II БОБ. ХҮЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

### **2.1. Инновацион фаолиятни ривожлантириш ва хўжалик субъектлари моддий техника базасини модернизациялашнинг мақсади, вазифалари ва ҳолати**

Инновацион сиёsat бу – ижтимоий-иктисодий сиёsatининг таркибий қисми бўлиб. Давлат органларнинг фан, техника ва уларнинг ютуқларини жорий этишга қаратилган мақсад ва йўналишларни ифодаловчи инновацион фаолиятга қаратилган сиёsatдир. Бугунги кунда илмий-техник риволанишнинг комплекс концепциясини яратишга катта эътибор берилмоқда: илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш: илмий-техник ривожланиш йўналишларини таркибга солиш. маҳаллий саноатни ҳимоя қилиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш; илмий-техник тараққиётни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш; лицензия - патент ҳукуқи (патентлаш, патент ахбротига рухсат).

Давлатнинг инновацион сиёsatининг асосий йуналашлари куйидагилар;

- инновацион фаолият учун иктисодий, ҳуқуқий, ташкилий, шартшароит яратиш;
- инновацияларни яратиш ва тарқатиш асосида маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- инновацион фаолликни ошириш, шунингдек, инновацион соҳада тадбиркорлик ва бозор муносабатларини ривожлантиришга кўмаклашиши;
- инновацион фаолиятда давлатнинг қўллаб-қувватлашишни ошириш, шу соҳада йўналтирилган давлат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- маҳаллий инновацион маҳсулотни халкаро бозорда қуллаб-қувватлаш ва мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган чора-

тадбирларни амалга ошириш.

- давлат инновацион сиёсати қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади;
- ишлаб чиқаришнинг технологик ривожланиш, маҳсулот рақобатбардошлиги, ахоли турмуш даражаси ва экологик хавфсизликни ошишида инновацион фаолиятнинг устувор аҳамиятга эга экологияни тан олиш;
- инновацион соҳада самарали рақобатли механизм амал қилиши билан бир қаторда давлатнинг инновацион фаолиятни тартибга солишни таъминлаш;
- иқтисодиётда прогрессив тузилмавий силжишларга олиб келувчи инновацияларни яратиш ва тарқатиш учун давлат ресурсларини жамлаш;
- инновацион соҳада бозор муносабатлари ривожланиши учун шароит яратиш ва бу соҳада ғирром рақобатни йўқотиш;
- инновацион фаолиятни амалга ошириш учун қулай инновацион мухит яртаиш;
- инновацион фаолиятни амалга ошириш учун қулай инновацион мухит яртаиш;
- инновацион фаолият натижасида юзага келган фаолият субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилиш;
- Ўзбекистоннинг инновацион соҳада халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик қилиши;
- инновацион фаолиятни амалга оширишда миллий хавфсизликни таъминлаш.
- инновацион фаолиятдаги сиёсат давлат сиёсатининг бир элементи сифатида қуйидагиларда эга бўлиши лозим;
- аниқ мақсадларига;
- мақсадларга эришишни таъминлайдиган бошқарув органиларига;
- бошқарувни амалга ошириш учун етарли булган информацион тизимга;

- давлат бошқарув органлари томонидан корхоналарга ва мұхитта таъсир күрсатуви қўллаб-куватлаш ва тартибга солиши инструментига.

Инновацион сиёсатни ўтказиш бевосита инновацион фаолиятнинг мақсадига ҳам боғлик (3-расмга қаралсин).

Кўплаб корхоналар таҳлил қилиб кўрилганда, иқтисодий вазиятнинг мураккаблигига қарамай, корхоналарнинг самарали фаолият юритиш, яъни. “тирик” қолиш эмас, балки “фойдани ошириш” “танннархни пасайтириш”, “талабни қондириш” кабилардир (1 жадвал, 4- расмга қаратилсин).

Ўз олдига рақбатбардошликтин ва экспансияни оширишни мақсад қилиб қўйган корхоналар энг рақобатли мұхитда фаолият юритишади.

Экспансияни оширишни мақсад қилган хужалик субъектлари кўпроқ ўз менеджерлари тажрибасига ишонишади ва ташқи маслаҳатчилардан кам фойдаланишади.

Маҳсулот сифтайни оширувчи инновацияларни жорий этувчи фирмалар, кўпинча маҳсулот таннархини оширишга мажбур бышладилар, лекин сифат воситасида талабни сақлаб туришга умед қиласидилар. “Тирик қолувчи”, “экспансион” фирмалар маҳаллий банклар кредитларидан кам фойдаланишади, лекин бюджет манбаларидан кўпинча муаммоларини ҳал қилишда фойдаланишади, бюджетдан молиялаштириш, ҳукуматнинг ўсиш нуқтасини қўллаб-куватлаш сиёсати натижасида юзага келса керак, чунки “тирик қолувчи” фирмалар энг йирик фирмаларо гуруҳига, яъни “гигантлар” гуруҳига тааллуклидир.

Иқтисодиётда юқори рақобатбардошлика эришиш яъни техника ва технологияларни жорий этмасдан амалга ошмайди. Шунинг Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг стратегик йўналиши инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган бўлиши лозим.

- Ишлаб чиқаришдан олинган эскирган маҳсулотнинг ўрнини босиш
- Маҳсулотнинг ассортиментини кенгайтириш
- Анъанавий бозорлари сақлаб қолиш
- Янги бозорларни яратиш
- Иш ҳақи харажатларни камайтириш
- Моддий харажатларни камайтириш
- Энергия харажатларини камайтриш
- Бошқа омилларни пасайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш қолдиғини қисқартириш
- Мехнат шароитини яхшилаш
- Замонавий стандартларга мос келишини таъминлаш
- Маҳсулотни сифатини яхшилаш
- Атроф мұхит ифлосланишининг олдини олиши
- Ишлаб чиқариш әгилувчанлигини ошириш
- Бошқа омиллар

### 3-расм. Инновацион фаолиятнинг мақсадлари


## 1-жадвал

### Хўжалик субъектларининг инновациялар мақсади бўйича тақсимланиши<sup>8</sup>

Мақсадлар	Улуси (%)
Бозорда самарали фаолият юритиш	15
Ички мақсадлар ва фойда	17
Рақобатбардошликни ошириш	31
Экспансия	27
Бошқа мақсадлар	10
<b>Жами</b>	<b>100</b>

4-расм

### Хўжалик субъектларининг инновациялар мақсади бўйича тақсимланиш холати



<sup>8</sup> Статистик танланма сўров натижаларига кўра

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига қўра, охирги 10 йил ичида саноат корхоналарининг 10% и инновацион фаолликни кўрсатган. Инновацион маҳсулотларнинг барча саноат маҳсулотларидаги улуши эса 10-12%ни ташкил этади. Бу кўрсаткич ривожланган мамлакатлардаги инновацион фаолликнинг 65%и ва инновацион маҳсулотларининг ЯИМ даги улуши 30 га нисбатан анча паст.

Инновациялар ҳаёт циклини ўрганиш шуни кўрсатдики, ислоҳотлар даврида энг “тор жой” тажриба-конструкторлик ишлари босқичи бўлибди. Бу босқични молиялаштиришнинг тўсатдан қисқартирилиши бу соҳада банд бўлган малакали кадрларнинг сонини камайтирди.

Республикамиз саноатида ишлаб чиқариш базасини таҳлил қилсак қуидаги тавсифланади:

- асосий воситалар фаол қисмининг чиқарилиши (машина ва ускуналарнинг ишлаб чиқариш жараёнидан чиқарилиши даражаси 67,8%);
- саноат технологик янгиланишига тўқсینлик қилувчи инновацион фаолликнинг пастлиги;
- инновацион корхоналарнинг ўз фаолият соҳасини савдо, воситачилик, тижорат операцияларига алмаштирилиши.

Паст тўлов қобилиятли талаб инновацион фаолиятининг ривожланишига тўқсінлик қиласи. Ўз маблағларининг, буюртмалар ҳажмининг камлиги, янгиликлар нархининг юқорилиги ҳам бунга сабаб бўлади.

Таҳлил шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш қувватларининг эскириши нисбатан кам бўлган корхоналарда кўпроқ янги ускуналар сотиб олинади, қувватлари эскирган корхоналарда эса бундай янгиликларга харажатлар миқдори анча кам. Бу ерларда асосан маҳсулот инновациялари яратилади. Бугунги кунда кимё, нефт кимё тармоқлари ва қурилиш материаллари саноатида янги технологиялар киритилмоқда.

Саноатда инновация молиялаштиришнинг тезкор қисқариши ва

бозорнинг техник янгилакларга бўлган талабига жавоб беради ва инновацион фаолият инқизорзга учради. Лекин, рангли металургия ва нефтгаз тармоқларида инновацияларга қизиқиш анча юқори. Масалан, 2018 йилда “Ўзбекнефтгаз” нинг илмий-техник янгиликларни қўллаш натижасидаги йиллик иқтисодий самараси 2,5 млрд. сўм бўлди. 2004 йилда бу кўрсаткич 0,8 млрд сўм. Техник ва технологик янгиликларни қўллаш натижасида корхонанинг фойдаси 1,5 млрд. сўмга ошди.

Шунингдек, саноатда инновацияларга ажратилладиган харажатларининг асосий қисми жорий эҳтиёжларга йўналтирилмоқда. Шулардан 60% и ишлаб чиқаришни техник янгилаш ва ускуналар сотиб олишга йўналтирилади, ИИТКИга ажартилладиган маблағлар эса 10%ни ташкил этади. ЕИ мамлакатларида эса ушбу кўрсаткич анча юқори.

Ўзбекистонда инновацияларнинг секин ривожланишига бир қатор омиллар таъсир қиласи;

- инновацияларни молия-кредит соҳаси томонидан қўллаб - кувватлашнинг пастилиги;
- инновацион фаолият ташкилий тузилмасининг етарлича кучли эмаслиги;
- илмий ва инновацион ташкилотлар ривожланишини рағбатлантириш механизмининг такомиллашмаганлиги;
- интеллектуал мулкни химоя қилиш тизимининг етарлича ривожланмаганлиги;
- инновацион фаолият қатнашичиларининг тижорат малакасининг пастлиги.


Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар нафақат корхоналарда ишлатилладиган техника ва технологик жараёнларни янгилашни, балки бошқарув ва ҳисобини ташкил этишда инновацион ёндашувни талаб этади. Шу нуқтаи назардан корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни баҳолашнинг амалиётда қўлланиладиган айрим жиҳатларини тадқиқ этиш катта аҳамиятга эга.

Қуйидаги графикда сўнгги йилларда ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар динамикаси келтирилган.

### **Ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар**

#### **ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар сони**


5-расм



Инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар сони 2010 йилдан 2017 йилга қадар 7,5 баробарга кўпайиб, 289 тадан 2171 тага етди. Жумладан биринчи марта инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган корхоналар сони 1007 тага кўпайди.

## Инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми ва харажатлари динамикаси


6-расм



Инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми 2017 йилда 18543,3 млрд. сўмни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 1,7 баробар, 2008 йилга нисбатан 14 баробарга кўпайган. Инновацияларга харажатлар 2008 йилга нисбатан 8 баробарга, 2016 йилга нисбатан 1,6 фоизга камайган.

## 2018 йилда ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми (ҚҚС ва аксизсиз)

7-расм



2017 йилда ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажмининг асосий қисми Тошкент шаҳрига (38,7 фоизи), Қорақалпоғистон Республикаси (21,2 фоизи), Тошкент вилояти (6,4 фоиз) ва Андижон вилоятига (20,3 фоизи) тўғри келмоқда, қолган 13,4 фоизи республиканинг бошқа вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Янги маҳсулотни ишлаб чиқариш циклининг бошланғич босқичларида инноваторларнинг максимал даражада ижодий, иқтисодий мустақил бўлиши талаб этилади. Бир шахснинг ҳам фирма раҳбари ҳам кашфиёти бўлиши керак бўлган бирдан-бир ташқи бугин бу юқори рискли инновацияни молиялаштиришга қодир ташкилотдир. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, инновацион

фирмалар таркибида асосий ўринни масъулияти чекланган жамиятлар ва акционерлик жамиятлари ташкил этади.

## **2.2. Инновацион фаолиятни ривожлантириш ва хўжалик субъектлари моддий техника базасини модернизациялашнинг мақсади, вазифалари ва ҳолати**

Инновацияларни бошқариш бу- янги турдаги ускуналарни жорий этиш ва фойдаланиш, корхоналар инновацион фаолиятининг турли томонларини янгилашга қаратилган ўзгаришлардир. Инновацияларни икки даражага ажратиш мумкин.

1) ишлаб чиқаришга биринчи марта жорий этиладиган янги ихтиролар, кашфиётлар, ғоялар.

2) иккинчи марта жорий этиладиган кашфиётлар, ноу-хаулар, ғоялар, кашфлар. Биринчи даражасидаги инновацияларни жорий этиш мажбурий бўлмасади, 2 даражадаги инновацияларнинг жорий этилиши корхоналарнинг рақобат муҳитида тирик қолиши учун зарурдир. Шунинг учун хар бир корхонада инновацияларни бошқариш долзарб масаладир. Корхона ичida инновациялар ўз-ўзидан юзага келмайди. Бунинг учун инновацияларни бошқариш тизими керак бўлади.

Инновацияларга эътиборнинг камлиги нафақат савдо ҳажмини камайтиради, балки келажада глобал инқирозга олиб келади. Корхоналарда, яъни хўжалик субъектларига инновацияларнинг қуидаги босқичларини ажратиш мумкин. муаммоли вазиятни кўрсатиш;

- инновация мақсадларини шакллантириш;
- мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш; инновацияни ишлаб чиқиш ва лойиҳалаш;
- инновация лойиҳасини тасдиқлаш;
- инновацияга обьектни тайёрлаш; инновацияни жорий этиш;
- инновация самарадорлигини баҳолаш.

Амалиётда фирма илмий-техник сиёсатини ишлаб чиқишида асосан 4

соҳада инновацияларни бошқариш кўзда тутилади;

- 1) Изланишлар ва ишланмалар;
- 2) Давлат стандарт асосида сифатни бошқариш;
- 3) Янгиланган ишлаб чиқариш базасини яратиш;
- 4) Инновация бозорини ўзлаштириш.

Иzlaniшлар ва ишланмалар бўлиши қуидагиларни ўз ичига олади:

- қидиув ва фундаментал изланишлар;
- амалий изланишлар;
- техник ишланмалар ва тажрибавий ишлаб чиқариш;
- инновацияларни дастбалки ўзлаштириш;
- инновацияларни тарқатиш ва тиражлаш;

Умуман олганда, инновациялар умумишлиб чиқариш тузилмасига, институционал иқтисодий механизмларга, ташқи муҳитга, халқаро техник ҳамкорлик ривожига, миллий хавфсизлик даражасига ва энг асосийси жаҳон хўжалигида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига таъсир этади.

Шунинг учун, инновацион жараёнини давлат бошқариши лозим, чунки давлат мамлакат иқтисодий ривожланишининг истиқболлини белгилайди.

Давлат инновацион сиёсатида 4та асосий йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- шахсий инновацион фаолият фаолигини таъминлаш, яъни хўжалик субъектлари томонидан амалга ошириладиган инновациялар учун фундаментал изланишлар оптимал ҳажмини сақлаш;

Таълим, маданият, экология, ижтимоий ҳимоя, мудофаа каби соҳаларда инновацияларни яратиш ва тарқатиш бўйича мақсадли дастурларни давлат кучлари орқали бажариш ва давлат буортмалари асосида молиялаштириш;

- изланишлар ва янгиликларни рағбатлантириш ва қўллаб-куватлаш (субсидиялар, солиқ имтиёзлари ва бошқалар).

Ушбу йўналишларидан биринчиси маҳаллий хўжалик субъектлари

умумий рақобатбардошлигини оширишга қаратилган, хусусан уларда иш жойларини яратиш ҳам асосий мақсаддир.

Иккинчи ва учинчи йўналишда эса жамият манфаатларига хизмат қилиш бозори назарда тутилади. Бу бозорда давлат назарда таъминотчи ва истеъмолчилар ўртасида воситачи бўлиб хизмат қиласди. Яъни хизмат ва маҳсулотларни истеъмолчилар номидан изланишларни буюртма қилган ҳолда сотиб олади. Айтиш жоизки, инновацион фаолият анъанавий ишлаб чиқаршдан қуидаги тамойиллари билан фарқланади:

1. Инновацион характерга эга ва фақатгина келажакда қайтиб келадиган сезиларли миқдордаги қушимча харажатларга бўлган талаб. Ҳар бир алоҳида инновация учун бу харажатлар турлича ва уларнинг ҳажми кўп объектив ва субъектив сабабларга боғлиқ.

2. Инновацияларга харажатлар ва уларни жорий этишдан олинадиган фойда вақт ва жойи бўйича мос келмайди. Катта миқдордаги харажатлар инновацион маҳсулотларни сотиш вақтида қайтиб келмаслиги мумкин, яъни кечроқ қайтиши мумкин. Шунинг учун инновациялар харажатларини қоплашда вақт омили дисконтлаш ёрдамида ҳисобга олинади.

3. Таваккалчилик яъни рискнинг мавжудлиги. Жаҳон тажрибасига кўра, катта миқдордаги меҳнат ва маблағлар маҳсулот (хизмат) кўринишида реализация қилинмаслиги мумкин.

4. Омадли инновациялар фоизининг пастлиги, гарчи омадли инновациялар омадсиз инновацияларнинг ҳам ўзининг харажатларини ҳам қоплайди.

5. Анъанавий ишлаб чиқариш молиявий кўрсаткичлари ёмонлашуви олдини олиш учун алоҳида бюджет тузиш.

6. Инновацион фаолиятни баҳолашда анъанавий ишлаб чиқариш фаолиятидаги кўрсаткичлардан фарқи қўсаткичлардан фойдаланиши. Масалан, “йиллик фойда” тушунчаси бу фаолиятга тўғри келмайди, чунки инновацион фаолиятдан бир йилда эмас, балик 3-4 йилда фойда келиши мумкин.

7. Барча эскирганларни йўқотиш янгилар устида ишлаш учун ресурслар топиб беради.

Инновацион фаолиятни самарали бошқариш учун зарурий шартлар куйидагилардир:

- янгиликларни қидириш ва ўзлаштириш учун қулай шароит яратиш;
- инновацион бўлимилар ходимларини рағбатлантириш;
- ходимларга келажакдаги фойдадан улуш ажратиш;
- инновациялар натижасида юзага келган бўлимларга раҳбарлик хукуқини бериш;
- омадсизликка учралса, ходимларни жазоламаслик лозим;
- инновацион фаолиятининг устуворли йуналишларини аниқлаш;
- инновацион тузилмалари ривожланишини ҳисобга олган ҳолда корхона бошқарув тизимини қайта тузиш;
- корхонанинг бозор талабига жавоб бериш тезлигини ошириш.

Инновацион фаолиятни бошқаришнинг мураккаблиги, бошқариш соҳаларининг кенглиги давлат инновацион сиёсатини давлат тузилмаларининг иқтисодиётга таъсир қилиш методлари ва мақсадлари мажмуасини ишлаб чиқиши талаб этади. Давлат инновацион сиёсати ўз ичига рақобатни қўллаб-қувватлашни, жамиятни ахборотлаштириши, ахборот ва хизматларни стандартизациялаш ва сертификатлашни қамраб олади.

Ушбу қўллаб-қувватлаш бевосита ва билвосита йўллар билан амалга оширилиши мумкин (5-расм). Бевосита усулларга куйидагилар киради:

- ИИТКИ ва инновацион лойиҳаларни бюджет маблағларидан молиялаштириш;
- инновацион фаолият қатнашчилари ҳукуқларини ҳимоя қилиш (давлат патент-лицензия тизимини яратиш);
- давлат инновацион инфратузилмасини ва инновациялар бозорини шакллантириш;
- малакали кадрларни қўллаб-қўвватлаш ва инновацион фаолиятни

маънавий қўллаб-қувватлаш.


Билвосита методларда эса давлатнинг воситачи сифатида қатнашишни камроқ бюджет маблағларини талаб қиласди.

Билвосита тартибга солиш тадбирларига ҳар хил солик имтиёзлари, хусусан, ККСни камайтириш, савдо соликни камайтириш, дивидентлардан, фойда соликларига имтиёзлар бериш.

Билвосита усулларга лизинг ва франчайзингни ривожлантириш ҳам киради.

Давлат инновацион фаолиятини тартибга солишнинг барча турларини амалга оширади: ташкилий, иқтисодиёт, молиявий, меърий-хукуқий (2 жадвалга қаралсин).

## Инновацион фаолиятга таъсир этиш бўйича давлат тадбирлари



### **8 расм. Инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-күvvatлаш**

Давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш ривожланган мамлакатлар илмий-техник сиёсатининг асосий молиявий инструментидир. Давлат миллий илмий харажатларнинг  $1/5$  дан  $1/2$  гача қисмини молиялаштириш мумкин. Ўтиш давридаги мамлакатларда эса бу кўрсаткич анча юқори.

ИИТКИ нинг хусусий муносабат ташкилий механизмни талаб этади ва бунда хукumatнинг қонун чиқарувчи ва ижроя органлари иштирок этади.

Бюджетдан самарали фойдаланиш турли йўналишларда амалга

оширилмоқда. Энг оптимал вариант бюджетдан маблағларни кичик инновацион компаниялар ўртасида тақсимлашдир. Фақатгина йирик компанияларғагина бюджет маблағларини ажартиши тұхтатиб қўйди.

Таҳлилнинг кўрсатишича инновацион жараённинг ривожланиши фақатгина мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланганлик даражасига эмас, балки миллий менталитет жихатларига, миллий маданиятга (шунингдек, тадбиркорлик маданиятига) ва давлатнинг рағбатлантириш сиёсатига ҳам боғлиқдир.

Ушбу тадбиларнинг қисман амалга оширилиши ҳам инновацион фаолиятининг фаоллашлигига бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

## **2-жадвал**

### **Инновацион фаолиятни тартибга солиш**

<b>Тартибга солиш турлари</b>	<b>Тартибга со лиш йўллари</b>
Ташкилий	Инновацион инфратузилмани ривожлантириш, инновацион фаолият устуворлигини таъминлаш, инновациялар муаллифларини маънавий рағбатлантириш, интеграцион жараенлар ривожленишига қўмак бериш, халқаро алоқаларни ривожлантириш
Иқтисодий ва молиявий	Инновациялар таклифини ривожлантириш, инновацияларга талабни ошириш, инновацион соҳадаги рақобатни кучайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, инновацион соҳалдарда бандликни ошириш, лизингни ривожлантириш, инновацияларга инвестицияни жалб килиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, кулай инвестицион муҳит яратиш.
Меъёрий-хуқуқий	Инновацион фаолият субъектлари хуқук ва манфаатларини химоя қилиш, эгалик хуқуқини химоя илиш, инновациялардан фойдаланиш, интеллектуал мулкни химоя қилиш, шартномавий муносабатларни ривожлантириш

## **2.3. Инновацион фаолиятни режалаштиришни амалдаги холати**

Бугунги кунда режалаштиришнинг аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Режалаштириш хўжалик субъектларининг барча бошқарув соҳаларида мавжуд: ишлаб чиқаришдан хизмат кўрсатишгача, ресурсларни тақсимлашдан кадрлар сиёсатигача.

Стартегик режалаштиришнинг асосий мақсади узоқ муддатли устунликка эга бўлиш, асосий усули эса бозор шароитида доимий равища мослашиши ва ташқи муҳитдаги ўзгаришларни олдиндан кўра билиш.

Инновацияларнинг замонавий стратегик режаси 3-10 йилга тузилади ва ўз ичига ташқи муҳитдаги ўзгаришларга инновацияларни жорий этиш орқали мослашишига қаратилган чора-тадбирлар мазмuni қамраб олади.

Стартегик режалаштириш тизимиға қўйидагилар киради:

- бозорни таҳлил қилиш;
- мақсадларни қўйши;
- муқобил стратегияларни ишлаб чиқиш;
- стратегик режани тузиш.

Инновацион стратегик қарорлар бир неча босқичда бозор комплекс тарзда ўрганиб чиқилади, айнан бозорнинг товар ва фирма тузилмаси, истеъмолчилар афзалликлари ва мотивация таҳлил қилинади, истеъмолчилар сегментацияланади ва бошқалар.

Иккинчи босқичда хўжалик субъектнинг ўз имкониятлари аниқланади ва у ёки бу стратегияла фойдаланиш чегараси белгиланнади. Инновацон стратегия бир қатор омиллар туфайли амалга ошмай маблағларнинг йўқлиги, ишчилар касбий маҳоратининг пастлиги, яъни асосий ва айланма фонднинг сифати.

Учинчи босқичда бозор омилларининг нобарқарорлигини ҳисобга олган ҳолда муқобил стратегиялар (3 тадан кам бўлмаган) ишлаб чиқилади.

Тўртинчи босқичда компания раҳбарияти барча муқобилларнинг

харжатли ва мақсадли баҳолайди, танланган қарорнинг молиялаштириш имкониятлари кўриб чиқилади.

Бешинчи босқичда танланган инновацион стратегияни амалга ошириш учун қилиниши лозим бўлган тадбирлар режаси тузилади. Шу босқичда лоийҳа раҳбари тайинланади ва барча рискларни ўрганганд ҳолда бизнес-режа тузилади.

Қарор қабул қилиниши. Олтинчи босқичдир. Ушбу босқичда хуносалар қилиниб аниқ бир қарорга келинади. Инновацион стратегиялар асосан 2 турга ажаратилади: актив ва пассив.

Биринчи турдаги стратегиялар, кўпинча технологик стратегиялар деб аталади ва асосан ташқи муҳитдаги ўзгаришларга технологик инновацияларни жорий этиш орқали жавоб беришни кузда тутади. Актив инновацион стратегияларни ҳам 2та турли хилларга ажратиш мумкин. Лидерлик ва имитацион. Агар хўжалик субъекти бозорда янги бўлган технологияни олиб кирса, технологик лидер стратегиясини қўллайди. Агар янгилик фақатгина компания учун янгилик бўлса ва бозорда олдин ишлатилган бўлса, имитацион стратегияни қўллайди.

Пассив ёки маркетинг стратегиялари маркетинг соҳасидаги доимий инновацияларни назарда тутади.

Халқаро тажрибада йирик компаниялар юқори самарага эришиш мақсадида бирданига бир неча стратегиялар линиясида фойдаланишади.

Актив инновацион стратегияларни кўриб чиқайлик.

“Технологик лидер” стратегияси.

Лидерлик стратегияси моҳияти шундаки, компания доимо бозорга бутунлай янги маҳсулот чиқариш сиёсатини олиб боради. Мос ҳолда илмий изланишлар, ишлаб чиқариши ва маркетинг тизими барчаси аналогияга эга булмаган товар яртатишга қаратилган бўлади.

Технологик лидер стратегиясини танлаш қуйидагиларни ангалатади;

- янги техник ғояни ишлаб чиқиш;
- ИИТКИ партиясини чиқариш;

- бозор синови;
- ишлаб чиқариш;
- янги товарни бозорга чиқариш учун тадбирларни амалга ошириш;
- товарни бозорда доимий равища текшириш ва зурурий туғрилашларни киритиш.

“Технологик лидер” стратегиясини танланган кўп фирмалар тарнсмиллий корпорацияларга айланди: 3 M Inter, microsoft, Xerox, Ford, GE, Federol, -Express.

Имитацион стратегиялар: лидерга эришиш Стратегияси. Лидерга эришиш стратегиясини танланган компания рақобатчиси ўз янги маҳсулотини бозорга чиқаришини кутади, сунгра чиқарилган маҳсулотга ўхшаш маҳсулотни ишлаб чиқаришни бошлайди. Параллел равища “технологик лидер” нинг хатоларини ўрганган ҳолда янгиликка технологик ва маркетинг томонидан узгаришлар киритишади. Асосийси эргашувчилар лидер чиқарган янги маҳсулотнинг ўзини эмас, балки яхшиланган вариантни чиқаришади. Айнан шунинг учун ушбу стратегияни танланган компаниялар ИИТКИни кенг миқёсда молиялаштиришади. Ушбу стратегияни танлаган йирик компанияларга IBM компаниясининг мисол келтириш мумкин. IBM компанияси Altair ва Apple фирмаларини шахсий компьютерлар бозорига биринчи бўлиб чиқиши учун йўл очиб берди, гарчи унинг ўзида ҳам маҳсулот тайёр эди.

Бу стратегия IBM га рақобатчилари хатоларини ўрганиб, бозор салоҳиятини тушуниши имконини берди.

«Нусхалаш» стратегияси.

ИИТКИ нинг яхши ривожланмаганлиги ва маҳсулотни оммавий ишлаб чиқаришга имкониятнинг мажудлиги, шунингдек маркетинг фаолиятида ҳам устунликка эга бўлган фирмалар Ушбу стратегияни танлайдилар. Яъни улар лидерлардан ёки эргашувчилардан маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича лицензия олишади ва Ушбу маҳсулотнинг узининг

ишлаб чиқаришади. Бу фирмалар лидерларга нисбатан фойдасининг кам бўлишини билгани учун асосан нарх сиёсатини олиб боришади, яъни арzon нархга ҳам ашё ишчи кучидан фойдаланиб, маҳсулот нархини туширишади.

Нусхалаш стратегияси кўп учрайди. AST (“Эй ЭсГи”), Dell Computer (“Дел компьюте”), Packaged Bell (“Пекард бел”), Compuq (“Комплак”), Tandy (“Тэтди”) IBM.

Боғлиқлик стратегиясини танлаган фирма фақатгина истеъмолчилар ёки лидер корхона талабига қараб инновацияни жорий этади. Бу стратегияни танловчи фирмаларга асосан илмийлик даражаси паст бўлган ва давлат субсидияси асосида фаолият юритаётган кичик фирмалар киради.

Такомиллаштириш стратегиясини 1980 йилдаги олдинги анъанавий инновацион фаолият десак бўлади, яъни товар унинг таннархи пасайтирилиши учунгина такомиллаштирилади.

Пассив инновацион стратегиялар фирма диққатини доимий маркетинг инновацияларига қаратишдан иборат. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида фақат оз миқдордаги фирмаларгина алоҳида маркетинг инновациясидан фойдаланишади. Асосан актив инновацион стратегиялар ва маркетинг инновацион стратегияси компаниясидан фойдаланилади.

Маркетинг инновацион стратегияларини ҳам шартли равища унча ажаратиш мумкин:

- маҳсулот дифференцияси;
- янги мақсадли бозорларга чиқиш;

ЗР соҳасида инновациялар place, price, policy (жойлашув, нарх ва коммуникацион сиёсат);

Кўп хўжалик субъектлари маркетинг фаолиятига инновациялар жорий этиш орқали сезиларли ютуқларга эришадилар.


**Молиялаштириш манбалари бўйича технологик, маркетинг ва  
ташкилий инновацияларга харажатлар, млрд.сўм**

**3-жадвал**

	2014	2015	2016	2017	2018
Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар	4634,2	3757,4	5528,3	2571,4	4162,3
Шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича Ташкилотларнинг ўз маблағлари	2501,5	1381,5	1251,8	1180,0	2956,0
Хорижий капитал	1228,7	32,3	156,6	314,9	799,1
Тижорат банклари кредитлари	533,5	262,5	280,1	157,3	88,4
Бошқа маблағлар	370,6	2081,0	3839,7	919,1	318,8

2010 йилда инновациялар асосан ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан (69,7 фоизи) молиялаштирилган. 2014 йилдан бошқа маблағлар хиссаси (55,4 фоиз) ошган. 2017 йилда ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш 2010 йилга нисбатан 16,4 баробар ошган.

**2017 йилда молиялаштириш манбалари бўйича технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар**



2017 йилда технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатларнинг 71,0 фоизи (2956,0 млрд.сўм) такилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан, 19,2 фоизи (799,1 млрд.сўм) хорижий капитал, 2,1 фоизи (88,4 млрд.сўм) тижорат банклари кредитлари, 7,7 фоизи (318,8 млрд.сўм) бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган.

### **III. Боб. Хўжалик субъектларининг инновацион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашнинг устивор йўналишларининг**

#### **3.1. Хўжалик субъектлари инновацион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлашни таркибий қисмлари**

Хозирги замон босқичида асосий эътиборни илмий ташкилотлар фаолиятини фаоллаштириш ва юқори сифатили инновациялар асосида олиб борилаётган илмий йўналишлар сифатини яхшилашга улар асосида ишлаб чиқариш самрадорлигини сезиларли тарзда оширишга қаратиш талаб қилинади.

Хўжалик субъектларида инновация жараёнлари босқичларига асосланган ташкилий-иктисодий механизм ташкил топади ва шу асосда илмий -техник жараёнлари амалга ошади.

Бунда ташкилий иқтисодий механизм инновация фаолиятини ташкил этиш илмий-техника соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш, инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, инновация фаолиятини режалаштириш инновациялаш жараёнида иштирок этувчи корхоналарни молиялаш ва кредитлашни ўз ичига олади ва ишлаб чиқаришда (инновацияларни яраташ, тарқатиш ва жорий этиш) комплекс тавсирланиши лозим.

Инновацион фаолият хўжалик субъектлари ресурс, кадр ва информацион салоҳиятини ошириш билан боғлиқ инвестицияларни талаб этади. Шунинг учун инновацион фаолиятини молиялаштириш манбаларини топиш зарур.

## Илмий техника соҳасида тадбиркорликин ривожлантириш



### 10-расм Инновация жараёнини ташкилий-иқтисодий механизми

Инновацион фаолиятини молиялаштиришнинг қуидаги шакллари мавжуд:

- Давлат бюджетидан молиялаштириш;
- Акционерлик корпоратив молиялаштириш;
- Банк кредитлари;
- Венчурли молиялаштириш;
- Лизинг;
- Форфейтинг;
- Аралаш молиялаштириш.

Давлат бюджетидан молиялаштириш давлат бюджетидан ва маҳсус давлат фондларидан устивор аҳамиятга эга инновацион фаолият йўналишлари молиялаштирилади. Бюджет маблағлари давлат аҳамиятидаги мақсадли инновацион дастурларни молиялаштириш ёки истиқболли инновацион лойиҳаларни танлов асосида молиявий таъминлаш каби

шаклларда амалга оширилади.

Инновацион лойиҳалар танловида иқтисодиётнинг истиқболли тармоғини ривожлантиришга қаратилган ва компаниянинг ўз маблағлари ҳисобидан қисман молиялаштириш шарти билан (20% дан кам бўлмаган) лойиҳалар иштирок этади. Қоплаш муддати 2 йилдан ошмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда кадрлар тайёрлаш бўйича саломатлик бўйича, қишлоқ хўжалиги бўйича бир қатор ишлар қилинмоқда. Яъни халқ таълимига бевосита инновацион технологияларни жалб этиш, тиббиёт муассасалари ва қишлоқ жойларини замонавий инновацион технологиялар билан таъминлаш муҳим вазифадир. Шу соҳалар бўйича Ўзбекистонда Давлат кафолати остидаги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

#### Акционерлик (корпоратив) молиялаштириш

Ушбу шакл очик ёки ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун туғрикелади. Чекланмаган инвесторлар доирасида акцияларни чиқариш ва сотиш орқали молиявий ресурслар йиғини истиқболли инновацион лойиҳани амалга ошириш учун асос яртиб беради. Қимматли қоғозларни чиқаришда лойиҳани амалга ошириш учун зарурый маблағ миқдори, капиталнинг кутилаётган узиши миқдори ва дивидентлар ва элитент келиб тушнишини кутаётган пул тушунлари миқдоридан асос сифатида фойдаланилади.

#### Банк кредитлари.

Тижорат банклари қоплашнинг реал муддатларига эга, берилаётган маблағни қайтариш учун манбаларда эга ва капиталнинг ўсишини таъминловчи лойиҳаларга кредит беради.

#### Венчурли молиялаштириш.

Венчурли молиялаштиришда фондлардан капиталлар фоизсиз ва қайтариб бериш кафолатисиз бериларди. Шунинг учун ҳам бу инвесторлар рисконинвесторлар деб аталади. Рисконинвесторлар ўз маблағларини йўқотишига ҳам тайёр, яъни кафолат сўрамайдилар. Риско капитал узок муддатга берилади (5-7 йил) Риско капитал фақатгина акционерлик капитали кўринишида жойлаштирилади.

Венчур капиталида риск жуда катта, лекин омадга эришилганда жуда катта фойда келтиради. Статистикага кўра, 15% ҳодисаларда венчур капитали бутунлай йуқолади 25%да рискофирмалар рексалаштирилганидан кўп муддат давомида заарар куришади; 30 % да жуда оз миқдорда фойда куришади, юқори фойда олишади. Рискларни камайтириш учун лойиҳани обдон текшириб кейин танлаш ва капитални бир вақтда бир неса лоийҳаларга китириш лозим.

#### Молиявий лизинг.

Молиявий лизинг-узоқ муддатли кредитни натурал қўринища беришdir. Янги технологиялар лизинг йўли билан лизинг олувчига берилади. Лизинг олувчи шартномага асосан технологияга пули тўғрилайди ва жиҳоз қиймати тўланса, лизинг олувчидаги қолади. Ушбу жараён қиммат турувчи жиҳознинг фойдаланувчига етиб боришида муҳим аҳамиятига эга.

#### Форофейтинг.

Форофейтинг тижорат кредитини банк кредитига айлантириш операциясидир. Сотиб олувчи объектни сотиб олатётган пайтда мабалағи бўлмаса сотувчига объект қийматини ва тўловнинг узайтирилмаган учун фоизни ҳисобга олган ҳолда векселлар ёзиб беради, яъни тижорат кредитини олади.

Сотувчи векселларни банкка ўтказади. Ва ўз мулкий жавобгарлигидан халос бўлади. Сотувчи банкдан пулни олади. Натижада векселлар банк қулига ўтади ва тижорат кредити банк кредитига алмашади. Форфейтинг бўйича кредитлаш муддати 1-7 йилни ташкил этади.

#### Аralаш молиялаштириш.

Инновацион лоийҳани амалга ошириш учун турли манбалардан бирданига фойдланилади.

Инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг манбалари бўлиб, ташкилотлар, молия-саноат гурӯхлари, кичик инновацион тадбиркорлик, инвестицион ва инновацион фондлар, маҳаллий бошқарув органлари, жисмоний шахслар ва бошқалар ҳисобланади.

Самарқанд вилоятида ривожланаётган соҳаларга хусусан инновацияларга инвестициялар ҳам бир қатор манбалардан ажартилади.


### **Жорий қилинган инновациялар сони**

#### **4-жадвал**

	Жами	Шу жумладан тадқиқ қилинганлар:					Бошқа ташкилотлар томонидан
		Ўз кучи билан	Бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда	Улардан:			
				Илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда	Олий муассасалар билан		
Технологик инновациялар	1946	1786	72	42	20	88	
Шу жумладан Махсулотлар бўйича инновациялар	1372	1279	37	22	7	56	
Жараёнлар бўйича инновациялар	574	507	35	20	13	32	
Маркетинг инновациялар	62	55	-	-	-	7	
Ташкилий инновациялар	38	29	6	6	-	3	

2017 йилда 975 та корхона ва ташкилотлар томонидан 1946 турдаги технологик инновация жорий этилди. Жорий қилинган технологик инновацияларнинг 61,6 фоизи (1198 таси) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади.

**Инновация жорий қилган ташкилотлар ва инновациялар сони  
(2018 йил)**



Республика бўйча 2017 йилда хар бир инновацион фаол ташкилот ўртача 2 тадан инновация жорий қилди. Жумладан хар бир инновацион фаол ташкилотга Андижон, Фарғона, Самарқанд вилоятларида ўртача 3 тадан инновация, Бухоро, Навоий, Наманган, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўртача 2 тадан инновация, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида ўртача 1 тадан инновация жорий қилинган.

2017 йилда ўзлаштирилган инновациялар жами ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар хажмининг 15,6 фоизини (2899,9 млрд.сўм) ташкил этди. Ушбу кўрсаткич энг юқори бўлган Фарғона вилоятида 62,9 фоизни (259,6 млрд.сўм), Сурхондарё вилоятида 50,4 фоизни (40,2 млрд.сўм) ташкил қилган. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида бўлса ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотларнинг катта қисми (мос равишда 99,3 фоиз ҳамда 92,9 фоиз) 2015-2016 йилларда ўзлаштирилган инновациялар хиссасида тўғри келган.

### **3.2. Хўжалик субъектлари инновацион фаолиятини молиявий рағбатлантиришда чет эл тажрибаси**

Инновацион тадбиркорлик ва илмий- техника соҳасида кичик ва ўрта бизнеснинг Ўзбекистон Республикаси нодавлат корхоналари умумий сонида 0,4% ни ва ундаги банд аҳоли миқдори 0,3 %ни ташкил этади. Ўзбекистонда инновациянинг оз самарага эга эканлигининг сабаби инновацион тадбиркорликнинг кучсиз ҳукуқий базага эгалиги ва инновацион тадбиркорликда давлат қўллаб - қувватлаш даражасининг пастлиги.

Инновацон фаолиятнинг ҳар бир тури давлат қўллаб- қувватлашини талаб этади. Ривожланган давлатларда бу соҳада йўналишлар белгилаб олинган. Давлатнинг инновацион фаолиятни қўллаб- қувватлаши бўйича АҚШ, Япония, Буюк Британия, Канада, Франция, Изроил каби мамлакатлар диккатга сазовардир.

АҚШда инновацион тадбиркорликини қўллаб-қувватловчи ташкилотларга кичик бизнес ишлари бўйича маъмурият, миллий илмий фонд, НАСА, университетлар, тармоқлар вазирликлари киради; Германияда эса бу ишни иқтисодиёт вазирлиги, илмий изланиш ва технологиялар вазирлиги саноат, изланишлари ассоциациялар Федерацияси, Патент маркази; Францияда- иқтисодиёт вазирлиги, изланиш натижаларини жорий этиши бўйича миллий агентлик, илмий-техник фонд; Японияда кичик бизнесни молиялаштириш Корпорацияси, Халқ молиявий корпорацияси, Риск тадбиркорлиги маркази, Италияда - Технологик янгиликлар жамғармаси Марказий банк, тижорат банклар ива суғурта компаниялари билан бирга бу ташкилотлар инновацион дастурларининг амалга ошишишни тезлаштиради.

Янги технологияларсиз ҳеч бир мамлакат рақобатбардош бўлмайди.

Яъни ривожланган мамлакатлар бўлими, Жанубий Кория, Сингапур, Хитой, Малайзия ҳам янги технологиялардан фойдалангани учун ривожланади.

Мисол учун, Хитойда 10 йилдан бери инновацион-технологик

ривожлантириш дастури амалга оширилмоқда. Шу давр мобайнида мамлакатда 52 та технопарк, 300 та инновацион марказлар яратилди. ХХР да 10 йил муддатга яратилган режага асосан 200 та технологик изланиш марказлари 30000-40000 турли соҳа мутахассисларини иш билан таъминлаган<sup>9</sup>.

ХХР да инновацияни молиявий таъминлаш тенденцияси қуидагича, яъни 1985 йилда 180 млн \$ 38 та технологияга ажаратилган ва бу 460 мин \$ фойда келтирган. 1986-1990 йилларда 815 млн \$ киритилган бўлиб, 435 млн \$ давлат бюджетидан ажратилган ва бу 4,9 млрд \$ фойда келтирди. 1991-1995 йиллардан 1,1 млрд \$ молиялаштирилди, бюджетдан 545 млн \$ ва бу 72,3 млрд \$ фойда келтирилди.

2010-2017 йилларда инновацияга 2 млрд \$ маблағ ажратилди. Олимлар энг катта ютуқларга эришган соҳаларга интеграл микросхемалар яратиш, оптик толали технологиялар, биология соҳасидаги ютуқлар, Янги ядро технологиялари, лазерли технологилар ва бошқалар.

ХХР да 1,5 млнга яқин хусусий ва акциядорлик корхоналари фаолият кўрсатиб, уларда 130 млн. киши ишладий. 2007 йилда I ярим йилликнинг ўзида бу корхоналарда товар айланмаси ҳажми 450 млрд. юальга баҳоланди<sup>10</sup>. Чехияда «Кичик ва ўрта бизнес учун прогрессив технологиялари» дастури бошланган. Венгрияда омиллар ва тадбиркорларни бирлаштирувчи технологлар яратилмоқда; Болгарияда кичик инновацион бизнеси қўллаб - қувватлаш бўйича нодавлат фондлари яратилмоқда.

ЕИдаги давлатлар инновацион фаолият соҳасига йўналтирган маблағларни қуидаги йўналишларга қаратмоқдалар:

- кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаб ҳимоялаб, янги технологияларни рухсатсиз нусха кўчиришдан ҳимоялаш;
- кичик ва ўрта бизнесга патентлар тайёрлашга, қайд этишда ва эгалик қилишда ёрдамлашиши;
- корхоналар инновацион фаолиятини молиялаштириш тизимини

<sup>9</sup> Мединский В.Г. Шаршунова Л.Г. инновационное предпринимательство М.: ИНФРА, 2005 с.55  
<sup>10</sup> Экономический вестник Узбекистона 2007г

такомиллаштириш;

- турли инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарувичи корхоналарга маълум имтиёзлар берувчи янада такомиллашган солиқ механизмини яратиш;

- корхоналар яратиш бўйича расмиятчиликни камайтиришга ёрдам берувчи ягона маълумотлар базасини яратиш;

- инновацион фирмалар ишчиларининг маълумотини оширувчи шароит яратиш. ЕИ да инновацион фаолияти қўллаб-қувватлаш бўйича бир қанча фондлар ва дастурлар яратилмоқда. Инновацияларни тарқатиш ва кичик ўрта хўжалик субъектларининг инновацион жараёнларда қатнашишини рағбатларнтирувчи дастури (Promofion of innovation and enconradement of SMEs) 1999 йил январ ойидан бери амалга оширилиб келинмоқда. Унинг мақсадлари қуйидагилардан иборат.

- Кичик инновацион хўжалик субъектларига хизмат кўрсатиш;
- дастур ахборот-таҳлилий марказ сифатида ишлаб давлатлар ўртасида тажриба алмашиши ва ЕИ бошқа дастурларини амалга оширишда асос бўлиб хизмат қиласди;
- «тажриба лабораторияси» сифатида дастур бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилади.

Бу мақсадларига асосий сабаб шуким, кичик ва ўрта бизнес ЕТ давлатлари иқтисодиётида 99,8% ни эгалайди, кичик ва ўрта бизнес корхоналарида Европа аҳолисининг 66%и ишлайди, уларнинг улушга товар айланмасининг 65и тўғри келади. Бундан ташқари бу корхоналар 80% кўпроқ иш жойларини яратмоқдалар.

Россия Федерацияси мисолида оладиган бўлсақ, инновацион фаолиятни молиялаштириш манбаларига қуйидагилар киради;

- Бюджет ва нобюджет фондлар маблағлари;
- Давлат кредит-банк ва суғурта тизимидан жалб этилган маблағлар;
- Давлатнинг ички (давлат облигациялари ва заёмлари) ва ташки (хақаро қарзлар) заём маблағлари;

- корхоналар ўз маблағлари (фойда, амортизация ажаратмалари, сұғурта қоплашмалари, номоддий активлар);
- вақтичалик бўш асосий ва айланма капитал;
- жалб этилган маблағлар, акциялар сотищдан олинган маблағлар, туловлар, мақсадли тушумлар;
- бюджет, банк ва тижорат кредитлари кўринишидаги заёmlар.

5-жадвал

### **Россия Федерал инновацион фаолиятни давлат бюджетидан молиялаштириш тизими**

<b>Бюджетдан молиялаштириш объектлари</b>	<b>Фан-техника тарақкайётгиниң түстүвөр йүнәлишлери</b>	Федерал инновацион дастурлар Давлат миллий-техник дастурлари Халқаро лойихалар ва дастурлар	Давлат буюртмаларини бажариш бўйича шартномалар
		Фундаменал изланишлар бўйича Россия фонди	
		Россия ижтимоий илмий фонди	
	<b>Максадли бюджет фонdlари</b>	Илмий техника соҳасидаги кичик корхоналарни ривожлантиришга кўмаклашувчи фонд	Истиқболли лойиҳа ва ишларни молиявий таъминловчи грантлар
<b>Стратегик максадларни молиялаштириш</b>	<b>Стратегик максадларни молиялаштириш</b>	Олий таълим муасссалари	-
		Давлат илмий марказлари, лабориялар	
		Муқаммал тажриба объектларинини таъминлаш	

**Жаҳон амалиётида қабул қилинган инновацион фаолиятни  
молиялаштиришнинг ташкилий шакллари**

<b>Молиялаштир иш шакллари</b>	<b>Мавжуд инвесторлар</b>	<b>Заём маблағлари қабул қилувчилар</b>	<b>Устунлига</b>	<b>Мураккаблиги</b>
Дефицитли молиялаштири ш	Чет эл мамлакатлари хукуматлари, халқаро молия муассасалари, ташкилот ва корхоналар	Республика хукумати	Инвестициял арни давлат томонидан тартибга соли шва назорат қилиш	Молиялаштиришн инг мақсади ноаниқроқ. Давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ошади бюджетнинг харажатлар қисми ошади
Корпаратив молиялаштири ш	Тижорат банклари, институционал инвесторлар	Корпорациялар, корхоналар	Корпорациял ар ва корхоналарда инвестицияла рдан фойдаланиш вариантларин инг турличалиги	Инвестициялар мақсадининг ноаниқлиги. Реал лойихалар бозорида эмас, болки фақаттгина қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритилади. Инвестор рискининг юқорилиги
Лойихавий молиялаштири ш	Ҳукумат, халқаро молия институтлари, тижорат банклари, махаллий корхоналар, хорижий инвесторлар, институционал инвесторлар	Инвестицион ложихалар, инновацион ложихалар	Молиялашти риш мақсадининг аниқлиги, рискларнинг тақсимланиш и, назоратнинг бқорилиги	Инвестици он мухитга боглиқлик, кредит рискларининг юқорилиги, қонунчилик ва солиқ режимининг баркарор эмаслиги

Инновацион фаолиятининг муҳим молиявий манбаси бюджет ажаратмаларидир. Мақсадли комплекс дастурлар ҳам устувор давлат лойихалари ҳам давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Бюджет ҳисобидан фундаментал изланишлар фонди шаклланади ва ишлаб чиқариш инновациялари федерлик фондини қисман молиялаштиради. Россия

Федерациясида инновацион соҳани молиялаштиришда ўзига хос тизим мавжуд (5- жадвалга қаралсин).

Жаҳон тажрибасида инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг асосан уч хил ташкилий шакли ажартиб кўрсатилган (6-жадвалга қаралсин).

Жадвалдан кўриниб турибдики, алоҳида корхоналар учун инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг қулай шакллари акционерлик ва лойиҳавий молиялаштиришdir.

Жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқариш-технологик соҳасининг ва юқори технологиялар соҳасида саноатнинг ривожланиши глобаллашиб бориши улар асосида юқори технологик товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, жаҳон бозорига олиб чиқиш, бу соҳада ривожланган мамлакатларнинг интеграциялашуви саноати ривожланган мамлакатлар иқтисодий ўсишида муҳим стратегик модели бўлиб қолмоқда.

### **3.3. Инновацион фаолиятини молиялаштириш механизмининг самарадорлигига таъсир этувчи чекловларни бартараф этиш ва ривожлантириш**

Ишлаб чиқаришни инновация-техникавий ривожтантиришни бошқариш компания раҳбарияти юқори поғонасида амалга оширилади. Унинг мақсади хўжалик субъектининг янги маҳсулот ишлаб чиқариш ва жорий этиш; ишлаб чиқариладиган маҳсулотни замонавийлаштириш ва такомиллаштириш; маҳсулот анаънавий турларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришдан иборат.

Хўжалик субъектлари инновация фаолиятини бошқаришда инновациялар стратегияси ва уни амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишига эътибор қаратилмоқда. Маҳсулот янги турларини яратиш ва ишлаб чиқариш фирма стратегиясининг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Тадқиқот ва ишлаб чиқаришни бита жараёнга бирлаштирадиган ягона Фан-техника мажмуини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни инновация – техникавий

ривожлантиришни бошқариш ҳозирги босқичдаги энг муҳим вазифадир. Бу эса «Фан – ишлаб чиқариш» цикли барча босқичларининг мустаҳкам боғланишини тақозо қиласди.

Фан - техника сотув яхлит тизимларини яратиш Фан техника тараққиётни ва фирманинг бозор йўналишидаги эҳтиёжлари билан боғлик. Чунончи, Ушбу яратувчилик ишлаб чиқариш бўлинмаси фаолиятини талабга ва истеъмолчилар эҳтиёжларига компаниянинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга жавоб берадиган маҳсулотлар яратиш йўли билан ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган соҳаларга йуналтирумокда.

Шу муносабат билан ишлаб чиқаришни ривожлантириш қўйидаги асосий вазифаларни бажариш орқали, яъни-инновация фаолияти режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш;

Янги маҳсулот ишлаб чиқиш жараёни ва унинг жорий этишини кузатиш;

Янги маҳсулот яртаиш лойҳаларини кўриб чиқиш;

- ягона инновация сиёсатини юритиш;

Ишлаб чиқариш бўлинмаларида шу борадиги фаолиятни мувофиқлаштириш;

Инновация фаолиятини дастурларини молиявий ва моддий ресурслар билан таъминлаш;

Ишлаб чиқаришни инновация-техникавий ривожлантиришни бошқаришни малакали ходимлар билан таъминлаш;

Гоядан токи янги ишлаб чиқаришгача инновация муаммоларини хал этиш муайян гурухлар ташкил қилиш орқали амалга оширилади.

Ушбу вазифаларни ҳал этишда янги инвестициялар манбаларини жалб этиш жуда муҳим. Республикаиздаги қишлоқ хўжалиги трамоғи мисоллида кўрсак, бундай инвестициялар «Ўзқишлоқ хўжалик машҳолдинг» корхоналарини инновация-техникавий ривожлантиришнинг қўйидаги босқичларида ишга солинди.

Охирги ун йиллик давомида фан ва таълим сифат даражаси янги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий шароитлар ривожланмоқда. Инновацион фаолиятининг ривожланишида асосий ўрини иқтисиодиёт тармоқларига кириб бораётган фан эгаллайди. Ривожланган мамлакатларда, яъни ЕИ мамлакатларида 65% Японияда 71% АҚШда 75 % изланишлар компаниялар томонидан амлага оширилади.

Ўзбекистонда изланишлар олиб борувчи олий ўқув юртларининг улуши оз қолмоқда. Бундан фанга харажатлар ҳам жуда оз миқдорда (5% га яқин ЯИМга нисбатан, ЕИ да 21%, Япония ва АҚШ да 15% ) бўйлоқда.

Фан инновацияларга оз даражада йўналитирилган. Миллий инновацион тизимнинг асосий элементларига илмий-техник соҳа, корхоналар, инновацион инфратузилма кириб, бир-бири билан яқин алоқада эмас.

Корхоналарда инновацион маданият етарли эмас, инвестицион ресурслар кам. Фондан фаол мутахассислар кетмоқдалар ва бир вақтнинг ўзида ёшларининг келиш даражаси паст.

Илмий - кадрлар ёш структураси кундан-кунга ёмонланмоқда. Олимларнинг 48% и 50 дан ошган, Фан номзодларининг ўртacha ёши 53 ёш, Фан докторлариники эса 61 Ўртacha хисобда ҳар бешинчи олим нафақа ёшида.

Ўтган асрнинг 70 йилларида интеллектуал харажатлар маҳсулот умумий қийматига нисбатан 3% ни ташкил қилган. Бугунги кунда бу кўрсаткич 50% таҳлилчилар баҳолашига кўра 2010 йилда Ушбу кўрсаткич 70% бўлади. XXI асрда айнан ахборот ва билим янги бойликлар ва юқори даромадлар келтиради ва жамиятнинг келажакдаги ривожланишга асос яратади.

Инновацияларнинг жамиятдаги ролини ҳисобга олиш зарур- корхона фаолиятидаги асосий вазифа (Маркетинг билан тенгма-тенг);

- талбиркорлик инструменти;
- мустақил бизнес;

Инновациялар илмий ғоядан тайёр бозор маҳсулотига айланиши учун бир неча босқичларни босиб тутуди. (5- чизма қаралсин)

Товарнинг силжишни бир қанча иштирокчиларининг ўзаро мураккаб таъсирилашуви натижасида юзага келади.



12-расм. Инновациянинг ҳаракатланиш йўли

Ғоянинг интеллектуал инновацион маҳсулотга айланиши учун қуйидиги шартлар бажрилиши лозим.

1. Инновация бозорининг ривожланиш;
2. Инновацион фаолиятни ҳимоялаш ва рағбатлантириш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш. Омадли инновацион фаолиятнинг энг муҳим шарти давлат инновацион дастурини яратишdir. Бу дастур қуйидаги йўналишларни қамраб олиши лозим:

- қонунчилик: аниқ патент-лицензия қонунчилигини яртаиш, венчур капитал ва венчурли молиялаштириш бўйича хуқуқий асос яратиш, солик қонунчилигига ўзгартиришлар киритиш;
- таълим: инновацион ишланмалар билан шуғулланувчи талабалар,

аспирантлар ва олимларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, инновациялар соҳасида мутахассислар тайёрлаш;

- кичик фан билан боғлиқ тадбиркорликни қўллаб- қувватлаш.

Инновацион соҳа учун илмий ва иқтисодий сиёсатини биргаликда мос ҳолда олиб бориш муҳимдир. Ана шу жойда инновацияларга боғлиқ сиёсат шаклланади.

Эски аксиома мавжуд: бозордан кўпроқ нарса олиш учун, бозор ундан ҳам кўпроқ нарса сотиш керак.

Бутун жаҳон иқтисодётининг тажрибаси қўрсатишча, барча омадли ташкил иқтисодий моделлар айнан ана шу аксиома асосида тузилади.

Табиий ресурсларнинг чекланганлиги ва камабий бораётганлиги бозорда инновацион, яъни интеллектуал маҳсулотлар билан савдо қилувчи ишлаб чиқариш корхоналар учун фойда келтиради. Яъни уларнинг фаолияти кенгайиб боради.

Анъанавий мухитда рақобатланишининг истиқболи йўқ. Шунинг учун жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги ўзгаришлар ва Ўзбекистон миллий хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда фаолият юритиш лозим.

### **3.4. Хўжалик субъектларини инновацион фаолиятини рағбатлантиришни такомиллаштириш йўллари**

Мамлакатнинг келажакдаги ривожланиш, салоҳиятининг ўсиш инновацион корхоналарни жумладан кичик инновацион хўжалик субъектларини яратмасдан амалга ошмайди.

Лекин кичик инновацион бизнесни қўллаб- қувватлар учун қабул қилинаётган қарорлар ва уларнинг самарали фаолият юритиш учун ятилаётган бозор инфратузилмасига қармай бу соҳанинг ривожланишида салбий жиҳатлар ҳам юзага келмоқда.

Кичик инновацион хўжалик субъектларининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммолар сирасига кичик.

Хўжалик субъектларини давлат ҳамда тижорат тузилмалари томонидан инвестицион ва молия-кредит соҳасидаги қўллаб- қувватлашнинг озлигини киритсак бўлади.

Бозор хўжалигига мос бўлган солиқ тизимига ўтиш инновация тузилмасининг молиявий жиҳатдан таъминланишини яхшиланишига кўмаклашади. Мазкур тизимнинг моҳияти белгиланаётган солиқ миқдори маҳсулотнинг янги яратилган қиймати миқдори, олинган фойда ҳамда мавжуд бўлган мулк қийматига бевосита боғлиқлигидан иборат.

Шуни таъқидлаш жоизки, амалдаги солиқ тизими кичик инновацион корхоналар фаолият юритиш шароитларини ҳисобга олмайди. Кичик инновация корхоналари бошқа хусусий корхоналр каби, фойда солиғини тўлаш пайтида солиққа тортиладиган фойда миқдорини аниқлашда имтиёзга эгадирлар. Жумладан, уларга ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта ташкил қилиш, техникавий жиҳозлаш учун йўналтирилган фойдани чегириш ҳуқуки тақдим этилган, ишлаб чиқариш учун мужалланган маҳсулот ҳамда қурилиш материалларини етказиб берадиган баъзи бир корхоналар олган фойдаси ушбу корхона рўйхатга олинган кундан бошлаб, дастлабки икки йил мобайнида солиққа тортилмайди.

Мазкур имтиёз тугатилган ёки давлат тасарруфидан чиқарилган ёхуд санация натижасида қайта тузилган инновация корхоналари, уларнинг филиаллари ҳамда тузилмавий булинмаларига тегишли эмас. Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар тажрибасига кўра, инновация корхоналари учун Республикада қабул қилинган ҳамда иқтисодиётнинг устувор соҳаларида амал қилаётган барча имтиёзларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, илмий изланишларни бажараётган инновация корхоналари тадқиқот ишлар учун илмий-техник асбоб- ускуналар сотиб олган йилнинг узидаёқ, 50% ли амортизация ҳуқуқига, қолган асосий маблағлар ҳисобидан эса жадваллашган амортизация ҳуқуқга эга бўлишлари лозим.

Саноат соҳаси учун инновацияларни жорий этадиган кичик

корхоналарга лицензиялар ва «ноу-хоу» ларнир сотиш жараёнида солиқса тортиш вақтида тақдим этилиши, ишлаб чиқаришни кенгайтиришни амлага оширадиган корхоналарга эса- солиқса тортиладиган маблағлар ҳисобидан янги асбоб-ускуналар қийматини чиқарип ташлаш ҳуқуқи берилиши лозим.

Оқилона инвестиция сиёсатини юритишда давлат томонидан инновацион тадбиркорликка сармоя қуилишининг ўзига хос афзалликлари яратилади. Кўпчилик салоҳиятли инвесторлар учун қимматли қофозлар айланиш соҳасининг қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича тадбирлар, хусусий кредит ташкилотлари томонидан тақдим этилган қарз кафолатлари энг жозибадор бўлиб ҳисобланади.

Салоҳиятли сармоядорлар эркин пул маблағларини жалб этилишда энг муҳим иқтисодий инструмент фонд бозоридир. Акциялар ликвидлиги, фирманинг реклама- ахборот фаолияти, валюта майдончасида сотувга қуийилган акциялар ҳаракатининг таҳлили ва акциялар пакетини чет эл инвесторларига сотиш фонд бозори ҳолатининг яхшиланишига хизмат қиласади.

Инновацион бизнес бўйича фаолият юритадиган тадбиркорлар ва инвесторларнинг даромади, инвестиция корхоналарининг активининг бозор қиймати ўсишига белгиланган солиқ ставкасига, яъни фонд бозорида сотиладиган қимматли қофозларнинг сотув қийматига ўрнатиладиган солиқ ставкасига боғлиқдир. Солиқ ставкаси инновация корхоналарини молиялаштириш таваккалчилиги даражасини оширувчи ёки камайтирувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қимматли қофозлар билан амалга ошириладиган операцияларда дивидентлардан, қимматли қофозларни сотиб олишдан ундириладиган солиқ, шунингдек, таркибига қимматли қофозлар қиммати киритилган корхоналар мулкидан олинадиган солиқ каби ундириладиган турли хил қайта - қайта солиқларга йўл қўймаслик лозим. Солиқ солишнинг бу каби амалиёти натижасида ишбилармонлик фаолият пасаяди, яъни инновацион корхоналар ташкил топиш суръатлари қисқаради, оқибатда ҳозирги кунда корхоналрнинг фаолият юритиш имкониятлари

камайиб боради. Солик юкининг пасайиши кичик инновацион тадбиркорликка ҳамда иқтисодиётнинг хусусий секторига инвестициялар жалб қилишда иккиласми капитал (қимматли қофозлар бозори) нинг аҳамиятини оширади.

Шундай қилиб, инновация ва инвестиция сиёсатининг асосий вазифалари: иқтисодий фаолиятда барқарорликнинг таъминланиши (соликлар, фоиз ставкалари, амортизация меъёрлари) истиқболга эга корхоналарни қўллаб - қувватлаш ҳамда ички ва ташқи инвестицияларни ишлаб чиқариш соҳаларига жалб қилишдан иборат бўлиши зарур.

АҚШ ва Буюк Британия мамлакатлари тажрибасидан равshan бўладики, қулай инновацион тадбиркорликни ташкил қилиш учун имтиёзли акциядорлик опционини қонун асосида белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бу опционга кўра, кичик инновацион корхоналарнинг маълум бир қисмини эммисядан бир неча йил ўтганидан сўнг опцион берилган пайтдаги номинал қийматга teng бўлган нарх асосида сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этилади. Натижада юқори малакали ходимлар ва менежерлар учун инновация корхоналаридани меҳнат жозибадорлиги ошади, чунки, кичик корхоналар йирик корпорациялар каби юқори иш ҳақини белгилай олмайдлар, бироқ уларда келгуси фойдадан даромад олиш имконияти мавжуд.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт тузилмасини тубдан ўзгартириш, хом ашё жараёнидан тайёр рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалиги алоқаларига интеграциялашувини жадаллаштириш вазифаларига мувофиқ, илмий-тадқиқотлар, ишланмалар ва инновация лоийҳаларининг давлат томонидан қўллаб - қувватланиши мамлакатимизда инвестиция- инновация миллий дастури асосидаги лоийҳаларнинг жадаллик билан амалга оширилишида муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам республикамиизда кичик инновацион хўжалик субъектларининг ривожланиши учун шароит яратиш, уларнинг сонини ошириш ва қўллаб - қувватлаш мақсадга мувофиқдир.

## **Хулоса**

Илмий соҳанииг ушбу ҳолати давлат инновацион ҳамда хусусий илмий - техник ишланмаларни молиялаштиришни кучайтиришни талаб этади.

Банклар ва кредит уюшмалари юқори рискли битимларни хохлашмайди ва инновацион лойиҳаларга кредит беришда кафиллик учун, яъни гаровга бирор нарса талаб қилишади. Лекин кичик корхоналар ўзининг дастбалки ривожланиш босқичида гаров учун мулк тақдим этишга имконияти бўлмайди ва бу уларнинг ривожланишини орқага сўради.

Ушбу муаммони хал этишда бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда фаолият юритадиган фондларнинг велчурли молиялаштиришдан фойдаланиш лозим. Лекин Ўзбекистонда бу молия соҳасидаги янги йўналиш ҳисобланади. Венчурли молиялаштиришнинг асосий вазифаси инновацион бизнесга маълум микдордаги маблағни устав капиталидаги улуш ёки акция пакетининг бир қисми эвазига бериш ҳисобланади. Шубҳасиз, инвестор юқори рискка учрайди ва бу биринчи навбатда ўз маблағини қайтара ололмаслигига ҳам олиб келиши мумкин. Лекин риск учун мукофот бўлиб, инвестор дивиденлардан оладиган фойдаси ёки нархи кутарилган акцияни сотищдан келадиган фойда ҳисобланади.

Инновацион фаолятни молиявий таъминлашни яхшилаш солиқ сиёсатини такомиллаштириш орқали эришилади. Бу тизимнинг моҳияти шундаки, солиқ микдори билан маҳсулотнинг янги яратилган қиймати, олинган фойда ва мавжуд мол - мулк ўтрасида, бевосита боғлиқлик ўрнатиш ҳисобланади.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасига қўра, инновацион корхоналарга ҳам ишлаб чиқариш корхоналарига бериладиган барча имтиёзларни бериш лозим. Бундан ташқари, инновацион корхоналарга изланиш асбоб-усукунасини биринчи йилдаёқ 50% ли амортизациялаш ва бошқа асосий фондларини тезлаштирилган амортизациялаш ҳуқуқий берилиши лозим.

Саноатга ўз янгилигини жорий этувчи инновацион корхоналарга лицензия ва ноу - хаулар сотища солиқ имтиёzlари белгилаш ва ишлаб чиқаришни кенгайтирувчи корхоналарга эса янги ускунаси қийматини солиқ базасига киритмаслик хуқуқи берилиши лозим.

Ўзбекистонда инновацион фаолиятнинг ривожланишини янада тезлаштириш учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилса мақсадга мувофиқ булар эди.

- узоқ муддатга (10 йил) ҳамда яқин 2-3 йилга мўлжалланган давлат инновация сиёсатининг асосий йўналишларини қамраб олган инновация тузилмасини ривожлантириш дастурини яратиш (ЎзР Фанлар Академияси, соҳалар бўйича илмий - техник ва муҳандислик жамиятлари ва бошқалар) вазифалари аниқ ишлаб чиқилиши лозим;

- инновация лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг самарали тизимини ташкил қилиш. Бу тизимда лойиҳаларга қуйиладиган талаблар: босқичма-босқич амалга оширилиши, қайтарилмаслик, муаллифлар билан мулоқот, экспертларнинг жавобгарлиги, уларнинг рағбатлартириш муддати чузилганлиги ва бошқалар;

- муаллифлик хуқуқига риоя қилиш. Илмий-техника ва инновацион фирмалар фаолият юритиши учун қулай шароит яратиш. Мазкур фирмаларда асосий техник ечимларнинг муаллифлари билан бир вақтда корхона эгалари ҳам ҳал қилувчи рол уйнайди;

- инновация ташкилотлари секторига молиявий қуйилмалар ва реал инвестициялар уйғунлашувини таъминлайдиган инновация лойиҳаларини молиялаштиришнинг венчур тизимини ташкил қилиш;

- инновация лойиҳалари ҳақида маълумотга эга бўлган кучли ахборот тизимини ташкил қилиш;

- қонунчилик-меъёрий базани такомиллаштириш, солиқ солиш, ҳисоблаш, ундиришни соддалаштириш, рағбатлантириш учун солиқ имтиёzlарини белгилаш;

- инновация фаолиятини молиялаштиришнинг нодавлат, нобюджет

тизимини яратиш;

- лизингни инновацон фаолиятга мослаштирган холда ривожлантириш;

Йирик лойиҳаларга биргалиқда сармоялар қуиши учун молиявий уюшмалар фаолиятини ривожлантириш (Банклар Уюшмаси);

- инвестиция, кредит ва суғурта муассасаларини ривожлантириш;

Фонд бозори ва қиматли қоғозлар бозорнинг иккиламчи бозорини ривожлантириш;

- қушимча имтиёзлар орқали Ўзбекистонга чет эл инвестицияларни инновацион фаолиятга йўналтириш.

- депозитлар ва қуйилмаларга фоиз ставкаларини ошириш йули билан корхоналар ва аҳоли бўш пул маблағларини инновацион фаолиятини молиялаштиришга йўналтириш;

- давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш.

Шундай қилиб, республикасизнинг дунёning ривожланган мамлекатлари қаторига қушилиши учун инновацион фаолиятни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун инновацион лойиҳалар ва дастурлар яратиш ва бу лойиҳаларни жадаллик билан амалга ошириш мамлакатимизнинг ривожланиши учун муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини янада ривожлантириш вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда "Инновацион фаолият тўғрисида"ти қонунда қуидаги йўналишларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, мамлакат экспорт нуфузини кескин оширишга йўналтирилган янги технологияларни анъанавий инновацион ҳаёт цикли асосида ривожлантириш, янги ғояларни саралаб олишдан тортиб, улардан фойдаланишгача, сотилиши (тижоратлашуви) ва амалиётга жорий

қилинишигача бўлган даврдаги фаолиятнинг барча босқичларини ҳисобга олувчи "инновацион ҳаёт цикли" тушунчасини киритиш лозим.

Иккинчидан, фундаментал ва амалий фан натижаларини амалиётга жорий қилиш фаолиятини ўз ичига олган миллий инновация тизимини (МИТ) яратиш. Бундай тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши учун бугун нафақат салоҳиятли илм-фан, таълим тизими ва ишлаб чиқариш, балки институционал шароитларнинг бутун бир мажмуаси талаб этилади.

Учинчидан, инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий-меъёрий таъминоти, уни венчурли молиялаш ва рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ва уни хўжалик амалиётига жорий этиш, (Интеллектуал мулк таркибида кирувчи патент, лицензия, нау-хау ва бошқа номоддий активлардан фойдаланиш натижасида олинган фойдани имтиёзли солиқقا тортиш).

Тўртинчидан, инновацион фаолиятни комплекс қўллаб-куватлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, рақобатбардошликни ва илм ҳажмли маҳсулотлар экспортини оширишда инновацион инфратузилманинг тажрибасинов лабораторияларини, технопарк, технополисларни, илмий парклар ва бизнес инкубаторларини яратиш.

Бешинчидан, ахборот таъминоти, экспертиза, сертификатлаш ва ишланмалар ҳаракати тизими, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимидан ташкил топган инновацион жараён инфратузилмасини ривожлантириш.

Олтинчидан, кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитни шакллантириш ҳамда уларни бошланғич босқичда давлат томонидан қўллаб-куватлашни амалга ошириш.

Еттинчидан, инновацион лойиҳа ва дастурларни танлов асосида танлашни жорий этиш. Давлат томонидан хусусий инвесторларнинг унча катта бўлмаган ва тез қопланадиган инновацион лойиҳаларни жорий этишда қатнашишини ва истиқболли ишлаб чиқаришни қўллаб-куватлаш ҳамда хусусий инвестициялар оқимининг ортишига замин яратиш.

Саккизинчидан, ишлаб чиқариш самарадорлигига ва маҳсулот рақобатбардошлигининг ортишига таъсир кўрсатувчи кичик миқдордаги базавий технологияларни танлаш орқали инновацион сиёsatнинг истиқболли йўналишларини амалга ошириш.

## **Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2014.-746.
2. Ўзбекистон республикаси Бюджет Кодекси (Конунчилик палатаси томонидан 28.08.2013да қабул қилинган, Сенат томонидан 12.12.2013да маъқулланган, 01.01.2014дан кучга кирган).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 3454-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони.
5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари – Т.: Ўзбекистон. 2009 й.
6. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон. 2013й.
7. Каримов И.А “Асосий вазифамиз - жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат” - Т.: Ўзбекистон, 2015 йил
8. Каримов И.А “Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир”. - Т.: Ўзбекистон, 2015 йил.
9. Каримов И.А “Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислоҳотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир”. - Т.: Ўзбекистон, 2016 йил.
10. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. –Т.: Ўзбекистон, 2017 йил.

11. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” - Т.: Ўзбекистан, 2017 йил.
12. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Zarafshon. 2017 йил 23 декабр, 157 сон.
13. Абулқосимов Х.Р., Ҳамраев О.Я. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304-б.
14. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма –Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2010-йил, -532 бет.115-б.
15. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Тошкент: Молия, 2002. – Б. 124-187.
16. Абдуллаева Ш.З., Қуллиев И.Я. “Банк иши фанидан чизма услугбий қўлланма” Т.: “Иқтисод-молия” 2007й. 123 б.
17. Abdullaeva Sh.Z. Bank ishi: Darslik. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2017/ - 732 b.
18. Батракова Л.Г. Экономико-статистический анализ кредитных операций коммерческого банка. -М.: Логос, 2008. -216 с.
19. Банки и банковские операции: Учебник. / Под ред. Жукова Е.Ф. – М.: ЮНИТИ, 1997. – 387 с.
20. Банковское дело: Учебник / Под ред. В.И.Колесникова. – М.: Финансы и статистика, 1995. – 789 с.
21. Деньги, кредит, банки: учебник коллектив авторов; под.ред. О.И.Лаврушина. 12-изд.стер. – М.: КНОРУС, 2014. – 448 с.
22. Жарковская Е.П. Банковское дело. -М.: Омега-Л, 2006. -452 с.
23. Зайналов Ж.Р. и др. Управления банковскими рисками в условиях модернизация экономики. – М.: ООО “Пресс-Принет”, 2013. – 36с.
24. Лаврушин О.И. Банковские риски. -М.: КноРус, 2008. -232 с.
25. 36. Лаврушин О.И. Деньги, кредит, банки. -М.: КноРус, 2008. - 560 с.

26. Ларионова И.В. Управление активами и пассивами в коммерческом банке. –Москва: Издательство Консалтбанкир, 2003 г. -279 с.
27. Қоралиев Т., Ортиқов У. Банк ресурсларини бошқариш.- Монография. 2009 йил. - 123 б.
28. Ортиқов У.Д. Банк ресурслари ва уларни бошқариш. и.ф.н.. дисс. автореферати. -Т., 2008. -20 б.
29. Шогиёсов Т., Ҳакимов Б. “Молиявий таҳлил” Ўқув қўлланма. Т- 2010 й.
30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сонли “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Қарори.
- 31 . Аревова Е.В. Долгосрочное прогнозирование инновационного развития: мировой опыт и Россия. //Развитие России в условиях глобализации мировой экономики. Матер. междунар. конф. Ростов на Дону: 2008 г.
32. Гольдштейн Г.Я. Стратегический инновационный менеджмент. Учебное пособие. -Таганрог: Издательство ТРТУ, 2004. - 267 с.Доклад Торгового представительства Российской Федерации в Финляндии. Материал rusfintrade.ru за 2015 год.
33. Доклад Центра аналитического и методологического сопровождения Российской Федерации. Израиль. Отчет по результатам изучения мирового опыта в области развития инновационной деятельности. 2013.
34. Иванов В.В. Территория высокой концентрации научно-технического потенциала в странах ЕС / В.В. Иванов, Б.И. Петров, К.И. Плетнев. – Москва: Сканрус, 2001.
35. Источник: Завгородняя В.В. Особенности финансирования науки и инноваций в зарубежных странах на примере Великобритании и Китая. Журнал «Молодой ученый», №7, 2017. С 245-250.

36. Калятин В.О., Наумов В.Б. Никифорова Т.С. Опыт Европы, США и Индии в сфере государственной поддержки инноваций. «Российский юридический журнал», №1 (76), 2011.
37. Киселев В.Н., Рубальтер В.А., Руденский О.В. Инновационная политика и национальные инновационные системы Канады, Великобритании, Италии, Германии и Японии. Бюллетень ЦИСН. 2009.
38. Кондратьева Е.В. Национальная инновационная система: теоретическая концепция, 2015. Электронная статья в ИЭОПП СО РАН.
39. Мутанов Г. Абдыкеримова Г. Информационная система оценки инновационных проектов. Усть-Каменогорск: ВКГТУ. 2010, -136 с.
40. Мутанов Г.М. Инновации: создание и развитие. – Алматы, Казах университети, 2012, -224 с.
41. Нехорошева Л.Н. Инновационные системы современной экономики / Л.Н. Нехорошева, Н.И. Богдан. – Минск: БГЭУ, 2003.
42. Обзор инновационного развития: Беларусь. Доклад Европейской экономической комиссии ООН, опубликованный в 2011 году в Женеве.
43. Орешенков А.А. Институциональные аспекты развития и взаимодействия национальных инновационных систем стран Европейского Союза. Журнал международного права и международных отношений. 2006, №1.
44. Отчет о тенденциях развития инноваций в мире и в Республике Казахстан. Подготовил АО «Национальный инновационный фонд» Казахстана. 2011 год.
45. Рудченко А. Инновационная система Финляндии. Издание МГИМО МИД России. Журнал «Мировое и национальное хозяйство», №1 (76), 2011 год.
46. Рыхтик М.И., Корсунская Е.В. Национальная инновационная система США: история формирования, политическая практика, стратегии развития. Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2012, №6(1), с 263-268.

47. Тэплин, Р. Финансирование инновационной деятельности в ЕС, США и Японии: сравнение. Центр исследования Японии и восточной Азии. Великобритания, 2010.
48. Фиговский О.Л. Инновационная система Израиля: уроки для России. Менеджмент и бизнес-администрирование. №2, 2014.
49. Химанен П., Кастелс М. Информационное общество и государство благосостояния: финская модель. –Москва: Логос, 2002.
50. Шелюбская Н.В. Новая инновационная политика ЕС. Доклад на научно-практической конференции в Центре по проблемам информатизации сферы культуры. Россия. 2005.
51. Adalberto Mantovani M. de Azevedol, Marcela de Oliveira Mazzoni, Marco Antonio Silveira Academic Research In Technology Innovation Management and Related Thematic Areas in Brazil. Journal of Technology Management and Innovation, 2013. Volume 8. Special issue ALTEC.
52. Lundvall, B. -A. 1985. Product innovation and user-Producer Interaction. Aalborg University Press. Freeman, C. 1987.; Policy and Economic Performance – Lessons from Japan. London Pinter Publishers.; Nelson, R. 1987. Understanding technological change as an Evolutionary process. Elsevier Science ltd.
53. Sergey Filippov, Herman Mooi Innovation project management: a research agenda//Journal on Innovation and Sustainability. November 2010
54. Vanessa RattenJoro J. Ferreira Cristina I. Fernandes Innovation management – current trends and future directions// InternationalJournal Innovation and learning, Vol. 22, no. 2, 2017. pp. 135-155
55. Интернет сайты

<http://www.cbu.uz/>

<http://www.worldbank.org/>

<http://www.ebrd.org/>

<http://www.federalreserve.gov/>

<http://www.review.uz/>

[http://www.finam.ru/dictionary.](http://www.finam.ru/dictionary)

<http://www.cbr.ru>

<http://www.bank.uz>